Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 19 январь 1974 йил, шанба ◆ № 16 (15.796). ◆ Баҳоси 2 тийин.

МЕҲНАТДА ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

БОКУ, 18 январь. (ТАСС). Республиканинг шаҳар ва қишлоқлари байрам либосида. Озарбайжон диёрида катта тантана: республика байроғидаги иккита Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени ёнига бугун Халқлар дўстлиги ордени ҳам қўшилди. Озарбайжон ССР Иттифоқини

ОЗАРБАЙЖОН ССР БАЙРОҒИДА — ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ

⊙

ривожлантириш ва мустаҳкамлашдаги социалистик миллатлар ва элатлар дўстлиги ҳамда қардошларча ҳамкорлигини мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун, Совет давлатини иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги учун шу орденга сазовор бўлди.

В. И. Ленин номли саройда Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети билан республика Олий Советининг қўшма тантанали мажлиси бўлиб ўтди. Залда Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, СССР Олий Советининг ва Озарбайжон ССР Олий Советининг депутатлари, саноат, қишлоқ хўжалиги илғорлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армияси жангчилари, кўпдан-кўп меҳмонлар ўтиришибди.

Тантанали мажлисни Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. А. Халилов очди. Озарбайжон меҳнаткашлари, деди у, Ватаннинг юксак мукофотини Коммунистик партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига зўр миннатдорчилик туйғуси билан қабул қилиб оладилар.

Марш садолари остида залга Озарбайжон ССР байроғи, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг эсдалик байроғи, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроқлари, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғи олиб кирилади.

Мажлис аҳли КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини баланд руҳ билан тантанали мажлиснинг фахрий президиумига сайлайди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ф. Д. Кулаковга сўз берилади.

Бугунги тантанали мажлисда, деди Ф. Д. Кулаков, Озарбайжон ССРга Халқлар дўстлиги ордени топширишдек катта ва фахрли вазифани зўр мамнуният билан адо этаман. Бу мукофот — Озарбайжон меҳнаткашларининг кўп миллатли социалистик давлатимизни барпо этиш ва мустаҳкамлашдаги жуда катта хизматларининг эътирофидир, Советлар мамлакати иқтисодий қудратини мустаҳкамлашнинг муштарак ишига улар кўшган катта ҳиссага берилган юксак баҳодир.

Ф. Д. Кулаков тантанали мажлис қатнашчиларини ва улар орқали Совет Озарбайжонининг барча меҳнаткашларини КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан қизғин ва самимий табриклади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев республика ишчилар синфига, колхозчи деҳқонларига, зиёлиларига, барча меҳнаткашларига қизғин салом ва қутловлар, меҳнатда янги муваффақиятлар ва шахсий бахт-саодат тилаб билдирилган самимий истакларни топширишни илтимос қилди, деди у.

Бизнинг тантанали мажлисимиз КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми ва СССР Олий Совети сессияси қарорлари туфайли, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига қарата чиқарилган ва яқинда эълон қилинган Мурожаати туфайли мамлакатимизнинг ҳамма жойларида оммانинг зўр сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати жўш ураётган бир вазиятда ўтаётганлиги ғоят диққатга сазовор бир ҳолдир, деди сўнгра нотиқ.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган чуқур далил-исботли программ нутқ катта сиёсий аҳамиятга ва сафарбар этувчилик кучига эга бўлган ҳужжатдир, бу нутқда ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXIV съездининг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги тарихий қарорларини амалга ошириш юзасидан партиямиз билан халқимиз олиб бораётган бунёдкорлик фаолияти натижаларини ҳар томонлама анализ қилди, халқ хўжалик планини бажариш, экономика, фан ва маданиятни янада ривожлантириш, меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш йўллари ва методлари тўғрисида бир қанча муҳим принципиал қоидаларни айтиб берди.

Ф. Д. Кулаков Озарбайжон халқининг қаҳрамонона кураш ва бунёдкорлик йўли тўғрисида гапириб, Озарбайжон ишчилар синфи, Кавказнинг меҳнаткаш оммаси пролетар интернационализми байроғини ҳамиша матонат билан кўтариб келдилар, бу революцион матонатни ва интернационал қардошликка садоқатни В. И. Ленин юксак қадрлади, деб таъкидлади. Боку коммунасининг унутилмас эпопеяси революцион анъаналар ва қаҳрамонликнинг ҳаяжонли намунасидир. Боку коммунаси 26 комиссарининг номлари коммунизм қурувчилари ҳозирги ва келажак авлодлари ҳотирасида халққа фидокорона хизмат қилиш, ленинизм ғояларига садоқатнинг яққол намунаси бўлиб сақланиб қолади.

Революциядан аввалги Озарбайжоннинг қиёфаси кекса авлодга мансуб кишиларнинг эсида бор. Бу—Россия империясининг шафқатсиз эксплуатация, қашшоқлик ва ночор жаҳолат ҳукм сурган типик колоқ ва ҳуқуқсиз чекка ўлкаси эди. Эндиликда Озарбайжон ССР Совет Иттифоқининг юксак даражада ривожланган республикаларидан бири бўлиб қолди. Озарбайжон меҳнаткашлари мамлакатимиздаги барча халқларнинг, аввал, улуғ рус халқининг қардошлик ёрдамига таяниб, Коммунистик партия раҳбарлигида қудратли саноатни барпо этдилар, қишлоқ хўжалигида туб социалистик ўзгартишларни амалга оширдилар, фан ва маданиятни мислсиз ривожлантиришга эришдилар.

(Давоми иккинчи бетда).

МЕҲНАТГА ШОН-ШАРАФЛАР!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Саноат, транспорт, қурилиш ишчиларини ва шу тармоқларнинг ишлаб чиқариш мастерларини, колхозчиларни ва қишлоқ хўжалиги ишчиларини бир корхонада, ташкилотда, колхоз ёки совхозда узоқ йиллар мобайнида юксак унумли фидокорона меҳнати учун мукофотлаш мақсадида I, II ва III даражали Меҳнат шуҳрати ордени таъсис этилсин.

2. Меҳнат шуҳрати орденининг статути тасдиқлансин.

3. I, II ва III даражали Меҳнат шуҳрати орденининг тасвири тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1974 йил, 18 январь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«МЕҲНАТ ВЕТЕРАНИ» МЕДАЛИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Меҳнаткашларни халқ хўжалигида, фан, маданият, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш соҳасида, давлат муассасаларида ва жамоат ташкилотларида узоқ йиллар мобайнидаги ҳалол меҳнати учун мукофотлаш мақсадида «Меҳнат ветерани» медали таъсис этилсин.

2. «Меҳнат ветерани» медали тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

3. «Меҳнат ветерани» медалининг тасвири тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1974 йил, 18 январь.



Суратларда: (чапдан ўнгга) I, II ва III даражали Меҳнат шуҳрати орденлари ҳамда «Меҳнат ветерани» медали. ТАСС фотолари.

МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИНИНГ СТАТУТИ

1. Меҳнат шуҳрати ордени билан саноат, транспорт, қурилиш ишчилари ва шу тармоқлардаги мастерлар, колхозчилар ва қишлоқ хўжалик ишчилари бир корхонада, ташкилотда, колхоз ёки совхозда узоқ йиллар мобайнида фидокорона юксак унумли меҳнат қилганлиги учун мукофотланади.

2. Меҳнат шуҳрати ордени уч даражадан иборат:

I даражали Меҳнат шуҳрати ордени,

II даражали Меҳнат шуҳрати ордени,

III даражали Меҳнат шуҳрати ордени.

1 даража орденнинг юксак даражаси ҳисобланади. Мукофотлар III даражали, II даражали ва I даражали тартибида изчиллик билан бериб борилади.

3. Меҳнат шуҳрати ордени:

ишлаб чиқаришдаги юксак кўрсаткичлар, иш нормасини ва планларни мунтазам равишда ошириб бажарганлик учун;

юксак меҳнат унумдорлигига эришганлик, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарганлик, материалларни тежаганлик ва меҳнат сарфини қисқартирганлик учун;

меҳнатдаги новаторлик, қимматли ихтиролар ва рационализаторлик таклифлари, янги техника ва илғор технологияни ўзлаштириш ва улардан фойдаланишда актив қатнашганлик учун;

қишлоқ хўжалик экинларининг юксак ҳосилдорлигига ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигига эришганлик учун;

ишлаб чиқариш қувватларини, маданий-маиший объектларни, уй-жой биноларини қуриш муддатларини қисқартириш ва сифатини яхшилашга ва уларни ўз вақтида ишга туширишга қўшган катта меҳнат ҳиссаси учун;

ёш ишчилар, колхозчиларга таълим ва тарбия беришдаги катта муваффақиятлар учун берилади.

Бу орден билан юқорида кўрсатилган меҳнат хизматлари учун бир корхонада, ташкилотда, колхоз ёки совхозда узоқ йил мобайнида ишлаган кишиларгина мукофотланади.

4. Учала даражадаги Меҳнат шуҳрати ордени билан мукофотланганлар:

а) пенсияни 15 процент кўпайтириш;

б) белгиланган нормалардаги уй-жой майдони билан биринчи навбатда таъминланиш;

в) шахсан ўзи йилига бир марта темир йўл транспортида — тезюрар ва пассажир поездларининг юмшоқ вагонларида, сув транспортида — тезюрар ва пассажир линияларнинг I класс каюталарида (1 категорияли ўринларда), ҳаво транспортида ёки шаҳарлараро автомобиль транспортида текин бориб-келиш;

г) шахсан ўзи шаҳар пассажир транспортининг (таксидан ташқари) ҳамма турларидан, қишлоқ жойларда республика қарамоғидаги автомобиль транспортидан район доирасида текин фойдаланиш;

д) санаторий ёки дам олиш уйига текин путевка олиш (даволаш муассасасининг хулосасига мувофиқ йилига бир марта). Ишчиларга ишлаб чиқариш мастерларига, колхозчиларга текин йўлланмалар иш жойидан, ишламайдиган пенсионерларга — пенсия тайинлаган органлар томонидан берилади;

е) томошахоналар ва коммунал-маиший корхоналар, маданий-оқартув муассасалари хизматидан навбатдан ташқари фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

5. Меҳнат шуҳрати ордени кўкракнинг чап томонида Шуҳрат орденидан кейин тақилади ва даражаларининг катталиги тартибида жойлаштирилади.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

«МЕҲНАТ ВЕТЕРАНИ» МЕДАЛИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. «Меҳнат ветерани» медали меҳнаткашларни халқ хўжалигида, фан, маданият, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш соҳасида, давлат муассасаларида ва жамоат ташкилотларида кўп йиллик ҳалол меҳнати учун мукофотлаш мақсадида таъсис этилган.

Пенсия ёшига етган ишчилар, колхозчилар ва хизматчиларнинг меҳнатдаги муносиб ишларини тақдирлаб, улар пенсияга узатилаётганда медаль билан мукофотланадилар.

2. «Меҳнат ветерани» медали билан СССР Олий Совети Президиуми номидан иттифоқчи ва автоном республикаларнинг Олий Совет Президиумлари, ўлка, область ижроия комитетлари, шунингдек Москва ва Ленинград меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советлари мукофотлайдилар.

Корхоналарнинг, муассасаларнинг ва ташкилотларнинг маъмуриятлари, партия ва касаба союз ташкилотлари, район, шаҳар партия, совет органлари медаль билан мукофотлаш тўғрисида таклиф киритадилар.

3. «Меҳнат ветерани» медали билан мукофотланган кишиларга мукофот одатда, ўзлари ишлаган меҳнат коллективларида топширилади.

4. «Меҳнат ветерани» медали кўкракнинг чап томонига «1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушида Шавкатли меҳнати учун» медалидан кейин тақилади.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

«МЕҲНАТ ВЕТЕРАНИ» МЕДАЛИНИНГ ТАСВИРИ

«Меҳнат ветерани» медали диаметри 34 миллиметрлик доира шаклида бўлиб, қумушдан ясалади.

Медалнинг устки томонида тарадган нурлар фонида «СССР» қаварик ёзуви, павр шохи, ўроқ ва болғанинг қаварик тасвири бор. Медалнинг қуйи қисмида айлана бўйлаб тасвирланган лентага «Ветеран труда» («Меҳнат ветерани») деб ёзилган. Медалнинг олди томони оксидланган.

Медалнинг орқа томонида ялтирамайдиган оқиш фон — «Кўп йиллик ҳалол меҳнати учун» деган тўрт қатордан иборат қаварик ёзув бор.

Медаль айланаси қаварик шаклида.

Медаль илгак ва ҳалқача ёрдамида эни 24 миллиметрли ипак муар лента қопланган беш бурчакли колодкага туташтирилган. Колодка тўқ кўк рангдаги битта тик чизиқ, битта оч кўк ва учта энсиз оқ ва қизил тик чизиқлардан иборат. Тўқ кўк чизиқнинг эни 7 миллиметр, оч кўк чизиқнинг эни 8 миллиметр. Лента чеккалари энсиз оқ чизиқлар билан ўралган.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

1, 2 ВА 3 ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИНИНГ ТАСВИРИ

1 даражали Меҳнат шуҳрати ордени сал қаварик зарҳал кўп бурчакдан иборат бўлиб, юқори қисмида беш тутам таралган зарҳал нур билан ўралган, қуйи қисмида эса уч қатор бўғдой бошоғи дастаси бўлиб, «СССР» деган ёзув қизил эмаль лента билан ўралган. Бўғдой бошоқлари, «СССР» ёзуви ва ленталар зарҳалдан.

Орденнинг ўрта қисмида қизил эмаль билан қопланган таралган нурлар фонида оксидланган домна печи ва қурилаётган гидроэлектростанциянинг қаварик тасвири бўлиб, улар устида зарҳал ўроқ ва болға бор.

Орденнинг ўртасида шестерня тасвири доира бўйлаб ўралган. Доирага «Трудовая слава» («Меҳнат шуҳрати») деб зарҳал ҳарфлар билан ёзилган. Шестерня тасвири оксидланган.

Орденнинг юқори қисмида беш қиррали зарҳал қизил эмаль юлдузча бор.

II даражали Меҳнат шуҳрати ордени биринчи даражали ордендан қуйидагича фарқ қилади: кўп бурчакнинг беш тарам нурдан иборат юқори қисми қумушсимон рангда. Орденнинг ўртаси оч-кўк эмаль билан қопланган. III даражали Меҳнат шуҳрати орденида бўғдой бошоқларнинг қуйи икки қатори, лента, шакли, «СССР» ва «Трудовая слава» («Меҳнат шуҳрати») ёзувлари зарҳалланган. Орденнинг қолган устки қисми ва ўроқ ҳамда болға тасвирлари оксидланган.

I, II ва III даражали Меҳнат шуҳрати ордени кумушдан ясалади. Орденнинг бўйи 43 миллиметр, эни 41 миллиметр.

Меҳнат шуҳрати ордени илгак ва халқача ёрдамида эни 24 миллиметрли ипак муар лента қопланган беш бурчакли колодкага туташтирилади. Лента тўқ кўкимтир тик чизиқ ва битта сариқ ранг чизиқдан иборат. Тўқ кўкимтир чизиқнинг эни 11 миллиметр, сариқ чизиқнинг эни 12 миллиметр. Сариқ чизиқ ўртасида тик қизил чизиқчалар бор: I даража орденда эни 5 миллиметрлик чизиқ, II даражали орденда ҳар бири эни 2 миллиметрлик иккита чизиқ, III даражали орденда — ҳар бири эни 1 миллиметрлик учта чизиқ бор. Лентанинг чап томони сариқ рангдаги ингичка чизиқча билан ўралган.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари.
М. ГЕОРГАДЗЕ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

КПСС Марказий Комитетида марказий газеталар, журналлар, телевидение, радио ва ахборот агентликлари раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда меҳнаткашларнинг 1974 йилги халқ хўжалик планини муддатидан аввал бажариш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ёритиш соҳасида оммавий пропаганда ва ахборот воситаларининг вазифалари кўриб чиқилди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари А. П. Кириленко нутқ сўзлади.

Матбуот, телевидение ва радионинг вазифаси беш йилликнинг учинчи йилидаги социалистик мусобақа якунларини батафсил кўрсатиб беришдан, тўпланган тажриба асосида кенг меҳнаткашлар оммасини бу йил қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун курашга сафарбар этишдан иборат эканлиги таъкидлаб ўтилди. Халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғидаги ишлаб чиқариш новаторларининг, энг яхши бригадалар, участкалар, корхоналарнинг муваффақиятларини яққол ва моҳирона кўрсатиб бериш, фан ва техника ютуқларини, меҳнатнинг илғор усуллари ва методларини пропаганда қилиш зарур. Мусобақа натижаларини ҳамма учун маълум қилиб туриш ва таққослашни, унинг якунларини мунтазам ёритиб боришни таъминлаш керак. Тўққизинчи беш йиллик қаҳрамонларини матбуотда, телевидение ва радиода кўрсатишнинг муҳимлигига эътибор жалб қилинди.

Матбуот, телевидение ва радионинг бутун куч-ғайратини меҳнаткашлар коллективларининг ишлаб чиқариш сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун — камроқ чиқим қилиб, кўпроқ, сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқариш учун; меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини ошириш; фондларнинг самарадорлигини кўпайтириш; асбоб-ускуналарнинг иш сменаси коэффициентини ошириш ва шу сингарилар учун меҳнаткашлар коллективлари олиб бораётган курашни ёритишга қаратиш тавсия этилди.

Ишлаб чиқариш масалаларини ёритиш билан бирга социалистик мусобақанинг совет кишисини, унинг ғоявий-ахлоқий қиёфасини коммунистик руҳда тарбиялаш ишидаги аҳамиятини, ҳар томонлама кўрсатиб бериш лозим.

ЛЕНИН ИШИ БАРҲАЁТ

СОЮЗЛАР УЙИНИНГ КОЛОННА ЗАЛИДА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Союзлар уйининг колонна залида 18 январь куни «В. И. Ленин таълимоти ва иши — барҳаётдир» деган мавзуда илмий-назарий конференция очилди. Конференцияни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти, ижтимоий фанлар академияси, олий партия мактаби, СССР Фанлар академияси, ижодий союзлар ва ташкилотлар чақиришган. Конференция В. И. Ленин вафот этган кунинг 50 йиллигига бағишланган.

Президиумда — А. П. Кириленко, М. А. Суслов, Б. Н. Пономарев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев ўртоқлар, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси Г. Ф. Сизов, СССР Фанлар академиясининг президенти М. В. Келдиш, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари, академиклар, таниқли маданият арбоблари, жамоатчилик вакиллари ўтирибдилар.

Социалистик мамлакатларнинг СССРдаги дипломатия ваколатхоналаринининг бошлиқлари ҳозир бўлдилар.

Конференцияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов кириш нутқи сўзлаб очди. У бундай деди:

Ўртоқлар!

21 январда доҳий, мутафаккир ва революционер, Коммунистик партия билан Совет давлатининг асосчиси, бутун дунё меҳнаткашларининг йўлбошчиси ва устози — Владимир Ильич Ленин вафот этган кунга ярим аср тўлади.

Ленининг номи инсоннят тарихига дунёни коммунистик тарзда ўзгартириш рамзи бўлиб кирди. Унинг таълимоти ва иши-мангу барҳаётдир.

Ленин барпо этган ва унинг раҳбарлигида буюк синфий жангларда, буржуазияга қарши ҳамда ўнг ва «сўл» оппортунизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кескин ғоявий курашда чиниққан Коммунистик партия ўтган эллик йил мобайнида ленинизм байроғини баланд кўтариб бормоқда ва шу байроқ остида жаҳоншумул тарихий ғалабалар қозонди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев Ленин туғилган кунинг юз йиллиги тўғрисидаги докладида бундай деган эди: «Ленин ғоялари, ленинча сиёсий чиниқиш, ленинча ғалаба қозониш илми — бизнинг ўз кучимизга ишонч, мардлик ва умидворлик, ғалабага ирода бахш этаётган битмас-туганмас чашмадир».

(Давоми иккинчи бетда).

СССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

СССР Халқ контроли комитетида республика, ўлка, область ва баъзи шаҳар халқ контроли комитетлари раисларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленумининг қарори муносабати билан халқ контроли органлари вазифаларини муҳокама қилдилар. Комитет раисининг ўринбосари В. М. Чураев доклад қилди. Кенгаш ишида СССР ва РСФСР бир қанча министрликлари ва идораларининг раҳбарлари, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

ЛЕНИН ИШИ БАРҲАЁТ

(Боши биринчи бетда).

Ленинизм — инсониятнинг порлоқ келажаги учун, коммунизм учун курашда халқаро коммунистик ҳаракатнинг, ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг тўғри компасидир.

Ижтимоий ривожланишнинг бутун борини, дунёнинг социал қиёфасини ўзгартириб юборган буюк революцион ислоҳотлар ленинизмнинг тарихий ҳаққониятини, унинг енгилмас кучини яққол кўрсатиб турибди.

СССРда тарихда биринчи ривожланган социалистик жамият барпо этилди, бу жамият асослари Владимир Ильич раҳбарлигида ва унинг бевосита иштирокида яратилди. Совет Иттифоқи иккинчи Жаҳон уруши йилларида мислсиз синовлардан шараф билан ўтди, инсониятни фашистлар асоратидан омон сақлаб қолди. Эндиликда социалистик Ватанимизнинг кучлари гуллаб-яшнаб турибди, у қудратли социал-иқтисодий, техникавий ва ҳарбий потенциалга эгадир. Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида инсоният авангардида коммунизмнинг нурафшон чўққилари сари Ленин йўлидан комил ишонч билан дадил олга бормоқда.

Жаҳон социализм системаси вужудга келди ва муваффақиятли ривожланмоқда, бу системанинг муқаррар дунёга келишини Ленин илмий башорат қилган эди. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлиги тобора кўпроқ мустаҳкамланмоқда.

Империализмнинг мустамлакачилик системаси барбод бўлди. Метрополияларда ва мустамлакаларда капитал ҳукмронлигининг путури кетди. Капитализм система сифатида чуқур кризисни бошидан кечирмоқда.

Илмий коммунизм асосчилари кашф этган ва тарих синовидан ўтган йўл инсониятнинг келажакдаги бош йўли бўлиб қолди. Ҳозирги дунёда давом этаётган жуда ўткир мафкуравий курашда жамият ривожининг объектив жараёнини ифодаловчи энг илғор илмий идеология бўлган ленинизм галаба қилмоқда. Социалистик мамлакатларнинг халқлари, дунё коммунистлари, жаҳон ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракати империализмга қарши, тинчлик, озодлик ва социализм учун курашда ўз кучларини ленинизм байроғи остида жипслаштирмоқдалар.

«В. И. Ленин ва халқаро коммунистик ҳаракат» деган мавзуда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари, академик В. Н. Пономарев доклад қилди.

Одамларнинг ақли ва ишларига ҳеч бир инсон Ленинчалик бу қадар буюк таъсир ўтказган эмас, деди у. В. И. Ленин тарихнинг боришини ишчилар синфи ва барча меҳнаткашлар манфаатларини кўзлаб ўзгартиришга эришганлиги туфайли ўз номини тарихга киритди. Ҳали ҳеч ким бундай қила олган эмас. Докладчи Ўртоқ Л. И. Брежневнинг В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги тўғрисидаги докладида айтган сўзларини келтиради. «Инсоният нақадар юксак чўққиларга кўтарилмасин, коммунистик цивилизация сарчашмасида мутафаккир ва революционер инсон—Ленининг баҳодирона қиёфаси турганлигини у ҳеч қачон эсдан чиқармайди, — деди Ўртоқ Л. И. Брежнев. — Коммунист учун, ленинчи учун ўзининг бутун ғайратини, бутун ақл-идроки ва иродасини Ленин эришиш учун курашган келажакни яқинлаштиришга сарфлашдан ҳам мўътабарроқ бошқа иш йўқ».

Коммунистик партия, Россия ишчилар синфи Ленин раҳбарлигида Улуғ Октябрь социалистик революциясини амалга ошириб, жўшқин социалистик оқим учун ўзан ҳозирлаб бердилар.

В. И. Ленин К. Маркс таълимотини янги поғонага кўтарди, у айрим мамлакатлар миқёсида ва бутун планета миқёсида революцион ривожланишнинг ҳилма-ҳил шаклларини ўз ичига оладиган ва умумлаштирадиган мунтазам ва яхлит революция назариясини яратди. Ленининг барча мамлакатлар ва халқларнинг тажрибасини ўзига сингдирган таълимоти интернационал таълимотдир. Ленинизмнинг революцион кураш умумий қонуниятларидан келиб чиқувчи практикаси интернационал практикадир. Ленинизм байроғи остида вужудга келган халқаро коммунистик ҳаракат ҳам интернационал ҳаракатдир.

Ҳозир коммунистлар, уларнинг кураши бутун жаҳонинг ривожига ҳал қилувчи таъсир ўтказмоқда. Аслини олганда жаҳон коммунистик ҳаракатининг зафарларида инсониятнинг ҳозирги даврдаги тараққиётининг асосий мазмуни мужассамлашган.

Шундан кейин докладчи реал социализмнинг тарихий ютуқларига тўхталиб ўтди. Эндиликда социализм илғари ўртага қўйишнинг ҳам имкони бўлмаган вазифаларни амалга оширишдаги нақд ютуқларни капитализм билан тарихий мухолифлик тарозуси палласига қўймоқда. Биз Ленин васиятларини бажаришда шу қадар илгарилаб кетган ҳозирги босқичда коммунизм идеалларини амалга ошириш қудратли моддий-техника базасига, омма ижтимоий муносабатлари ва социалистик онглилигининг юксак даражасига таянмоқда.

Мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини партия XXIV съезди белгилаб берди. Съезд қарорларини амалга ошириш бутун халқаро социализм позицияларини кучайтириш ва социализм ғояларининг жозиба кучини зўрайтириш йўлидан олга томон қўйилган шаҳдам одим бўлади. КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг асосий проблемаларини чуқур анализ қилиб берганлиги маълум. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, фан-техника революциясидан максимал фойдаланиш ва меҳнаткашларнинг турмуш даражасини янада юксалтириш тадбирлари белгилаб берилди.

Социализм ташқи сиёсатининг роли муттасил кучайиб бораётганлиги — ҳозирги замон тарихининг ўзига хос тенденциясидир. Реал социализмнинг сиёсий, иқтисодий ва мудофаа потенциали унга ташқи сиёсат соҳасида тобора катта-катта вазифаларни ҳал этиш имконини бермоқда.

КПСС XXIV съездида ишлаб чиқилган Тинчлик программаси тарихга чинакам халқ программаси бўлиб кирди, бу программанинг мақсадлари тенг ҳуқуқли ва демократик халқаро муносабатларни қуришнинг барча тарафдорларига яқин ва тушунарлидир. Кейинги йилларда ташқи сиёсатнинг муваффақиятлари айниқса катта бўлди.

Партиямиз бу ютуқларни юксак баҳолаш билан бирга империализмнинг энг агрессив, энг милитаристик доиралари содир бўлган бурилишга асло муроса қилмаганликларини назардан қочираётгани йўқ. Улар қарши ҳужумга ўтишга, кескинликни юмшатиш жараёнини бўшаштиришга ёки ҳатто унга путур етказишга уринмоқдалар. Империализм урушга моддий тайёргарлик кўришни — қуролланиш пойгасини давом эттираётганлигини кўрмаслик мумкин эмас, бу эса халқаро муносабатларни ривожлантиришга машъум соясини ташлаб турибди.

Шу сабабли Совет Иттифоқи, барча тинчликсевар кучлар халқаро майдондаги салбий тенденцияларга кескин ва изчил қаршилик қилишни, реакция ва империалистик агрессиянинг ҳар қандай кирдикорларига қарши, кескинликни юмшатиш жараёнини муқаррар тус олдириш учун қўнт билан актив кураш олиб боришни ўз вазифалари деб билмоқдалар.

Сўнгра Б. Н. Пономарев капиталистик дунёдаги аҳволни Ленининг империализм назарияси асосида таърифлашга ўтади. Докладчи капиталистик дунёдаги Компартияларнинг ҳозирги фаолияти тўғрисида гапиради.

1969 йилги халқаро кенгаш жаҳон коммунистик ҳаракатини жипслаштириш учун қандай аҳамиятга эга бўлганлиги ҳозир айниқса равшан кўриниб турибди, деб хулоса қилади докладчи.

Шу кунларда, кураш шароитлари тобора хилма-хил бўлиб бораётган ҳамда шу билан бирга ҳар бир партиянинг интернационал вазифалари ҳажми ва аҳамияти ғоят кучайиб бораётган бир пайтда жаҳон коммунистик ҳаракати кучларини янада жипслаштириш ва сафарбар этиш соҳасидаги янги катта ташаббусларни ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўймоқда.

Биз шуни дадил айта оламизки, коммунистлар инсоният жамияти тақдирларининг ўзига боғлиқ бўлган туб масалаларни ўртага қўйишда ташаббускорлик қилмоқдалар. Келгуси жангларда ленинизм янада кўпроқ муваффақиятларга эришади.

СССР Фанлар академиясининг вице-президенти П. Н. Федосеев «СССРда ривожланган социалистик жамият қурилганлиги — ленинизм ғояларининг тантанаси» деган мавзуда доклад қилди.

Ленин ижодий даҳосининг улуғлиги, деб таъкидлади у, омманинг капитал ҳукмронлигини ағдариш учун олиб борган революцион курашига раҳбарлик қилишда ҳам, шунингдек сиёсий ҳокимият курашиб қўлга киритилгандан кейин Россия ишчилар синфи олдида кўндаланг бўлиб турган бунёдкорлик вазифаларини ҳал этишда ҳам, социалистик қурилиш назариясини ва конкрет планини ишлаб чиқиб, амалга оширишда ҳам яққол намоён бўлди.

Ленин социалистик хўжалик системасининг тарихий афзалликларини, унинг ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш ва шу ўсиш натижаларидан жамиятнинг барча аъзолари манфаатлари йўлида фойдаланишнинг чинакам улуғвор имкониятларини муфассал илмий таърифлаб берди.

Ленининг социалистик ишлаб чиқаришни планли ташкил этиш тўғрисидаги, социалистик мусобақа ва унинг коммунистик қурилишдаги роли ҳақидаги ғоялари партиямиз фаолиятида янада ривожлантирилди. Партия социалистик мусобақани мамлакат экономикасини янада ривожлантиришнинг қудратли омили сифатида авж олдирмоқда, мусобақанинг оммавийлиги, уюшқоқлигини кучайтириш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилмоқда, меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлигини ва бунинг учун ҳамма шарт-шароитларни таъминлаб бермоқда.

Сиёсий ҳокимиятни омма қўлига ўтказиш чинакам демократиянинг моҳияти эканлигини, сиёсий ҳокимиятни уларнинг қўлига ўтказишнинг ўзи эса оммани ижтимоий активлигини, уларнинг тарихий ижодкорлигини мавж урдиришнинг зарур ва энг муҳим шарти эканлигини Ленин доимо таъкидлаган эди.

Буржуа идеологлари билан ревизионистлар демократияни синфий мазмундан маҳрум бўлган «соф демократия» деб талқин этсалар, Ленин демократияни улардан мутлақо бошқача тарзда тушунди.

Партия раҳбарлигидаги миллионларнинг онгли ғайрати — жамият ҳаётини инсонни ҳар томонлама камолотга етказиш манфаатларига, адолат ва одамларнинг бахт-саодати манфаатларига тўлатўкис мос бўлиб тушадиган негизларда — коммунизм негизларида қайта қурадиган енгилмас кучдир.

«В. И. Ленин ва социалистик маданият» мавзуида СССР ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Г. М. Марков доклад қилди.

В. И. Ленин янги социалистик маданиятнинг буюк меъмори бўлди, деб таъкидлади докладчи.

Социализм, Совет ҳокимияти тарихда биринчи бўлиб маданият билан жамият ўртасида, санъаткор билан халқ ўртасида принципиал янги муносабатларни вужудга келтирди. Бу муносабатларни Владимир Ильич Ленин доҳиёна заковати билан олдиндан кўрди ва асослаб берди.

Ленинизм аввало адибларни, барча маданият арбобларини ҳам ижтимоий жараёнларни тўғри ва чуқур тушуниш имконини берадиган ҳақиқатан ҳам илғор, илғор дунёқараш билан қуроллантиради. Ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам социал, синфий ёндашиш ғоялари — Ленининг ана шу принципи совет маданияти усталари, қардош социалистик мамлакатлардаги қаламкаш дўстларимиз, ғарбдаги прогрессив санъаткорлар самарали ижодий изланишларига негиз бўлмоқда. Совет ёзувчиларининг айни халқ ҳаётига яқинлиги, уларнинг мамлакатдаги меҳнат зафарларида иштирок этаётганлиги, Коммунистик партияга чексиз содиқликлари мафкуравий душманларимизни ҳамма нарсадан кўпроқ ғижинтириб, талвасага солаётганлигини кўриб турибмиз.

Ленинизм маданий сиёсатининг ҳаётийлигини социалистик санъат ривожининг бутун тарихи исботлади ва жуда яхши тасдиқлади. Совет адабиёти ва санъатининг обрў-эътибори ҳозир ҳар қачонгидан юксак ва мустаҳкамдир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг ленинчи Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев маданий қурилишга, совет жамияти маънавий ҳаётининг ҳамма соҳаларини ривожлантиришга жуда катта аҳамият бериб келмоқдалар, деди докладчи. КПСС XXIV съездининг қарорлари, Марказий Комитет кейинги йилларда қабул қилган ҳужжатлар маданият проблемаларига шонли, ижодий, чинакам ленинча ёндашиш намунасидир.

Биз Ленин йўлидан бормоқдамиз, биз Ленин кўрсатган йўлдан олға силжимоқдамиз, бинобарин, йўлимизни ҳеч қандай куч тўса олмайди.

Илмий-назарий конференциянинг иши 21 январда давом эттирилади. (ТАСС).

Ф. Д. КУЛАКОВ ОЗАРБАЙЖОНДА

БОКУ, 17 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ф. Д. Кулаков бугун Серебровский номли бошқармининг денгиз нефтчилари ҳузурида бўлди. У ишчилар ва мутахассислар билан суҳбатлашди, уларнинг меҳнати, корхонанинг ривожланиш истиқболлари билан қизиқиб танишди. Каспий нефтчилари социалистик мусобақа қандай бораётганлиги ҳақида Ф. Д. Кулаковга сўзлаб беришди. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидан илҳомланган нефтчилар ошириллган социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар ва белгиловчи тўртинчи йилнинг топшириқларини ва умуман беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун ҳамма чораларни кўрамиз, деб ваъда бердилар.

Ф. Д. Кулаковга Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев ва республика Министрлар Советининг Раиси А. И. Иброҳимов ҳамроҳ бўлдилар.

Ф. Д. Кулаков Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетида республиканинг партия-совет активи билан учрашди. КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми қарорларидан ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишга доир кўп масалалар қараб чиқилди, 1974 йил халқ хўжалик плани топшириқларини тўла ва ошириб бажариш йўллари муҳокама қилинди.

Ф. Д. Кулаков кечқурун Охундов номли давлат академик опера ва балет театрининг спектаклида ҳозир бўлди. (ТАСС).

ЎРТОҚ А. А. ГРОМИКОНИНГ АРМАНИСТОНДА БЎЛИШИ

ЕРЕВАН, 18 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико бугун бу ерга келди.

Ереван аэропортида Ўртоқ А. А. Громикони Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Е. Кочинян, Арманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. Х. Арутюнян, Арманистон ССР Министрлар Советининг Раиси Г. А. Арзуманян, Арманистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Олий Совет Президиуми Раисининг ва Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, республика Олий Совети Президиумининг аъзолари, Арманистон партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, меҳнаткашларнинг вакиллари кутиб олдилар.

П. Н. ДЕМИЧЕВНИНГ УДМУРТИЯДА БЎЛИШИ

ИЖЕВСК, 18 январь. (ТАСС мухбири). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари П. Н. Демичев бугун республика партия активлари билан учрашди. Суҳбат давомида Удмуртия АССР халқ хўжалигини янада ривожлантириш масалалари, КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленуми қарорларини ва тўққизинчи беш йиллик тўртинчи йилининг план топшириқларини бажариш йўллари тилга олинди. Шунингдек ҳозирги замон шароитида ғоявий-тарбиявий иш вазифалари тўғрисида гапирилди.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

АНДИЖОН, 18 январь. (ЎзТАГ). Андижон область XV партия конференциясида қатнашмоқ учун беш юздан кўпроқ делегат бугун область партия комитетининг мажлислар залига тўпланишди.

Марказий Комитет Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев бошлиқ КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси гулдурос қарсаклар остида конференциянинг фахрий президиумига сайланди.

Область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов область партия комитетининг ҳисобот докладини қилди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов иштирок этмоқда.

* * *

ФАРҒОНА, 18 январь. (ЎзТАГ). Бугун Фарғона область XVII партия конференцияси очилди.

Делегатлар гулдурос қарсаклар остида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини фахрий президиумга сайладилар.

Область партия комитетининг иши тўғрисида унинг биринчи секретари Ф. Ш. Шамсиддинов ҳисобот доклади қилди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов қатнашмоқда.

* * *

БУХОРО, 18 январь. (ЎзТАГ). Бугун Бухоро область XVII партия конференцияси ўз ишини бошлади.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг состави баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Делегатлар Бухоро область партия комитетининг иши тўғрисида область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоевнинг ҳисобот докладини тингладилар.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Қурбонов, КПСС Марказий Комитетининг инструктори М. Л. Ишков қатнашмоқда.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов СССР Олий Совети Президиумининг топширувига биноан Фарғона область ижроия комитетининг мажлислар залида Фарғона область қишлоқ хўжалиги, партия ва совет органлари ходимларининг катта группасига СССР орден ва медалларини топширди. Улар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари ва 1973 йилда пахта, дон, сабзавот ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришда кўрсатган шавкатли меҳнатлари учун шу мукофотларга сазовор бўлган эдилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Бувайда район партия комитетининг биринчи секретари М. Хайдаровга ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Фарғона районидаги Димитров номли колхознинг бригадири М. Каримовага **Ленин** ордени ҳамда **«Ўроқ ва Болга»** олтин медали топширилди. (ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ХАЛҚ АРТИСТИ Б. А. БАБОЧКИНГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет театри ва кино санъатини ривожлантиришдаги жуда катта хизматлари учун ва туғилган кунининг етмиш йиллиги муносабати билан СССР Иттифоқи Давлат академик малий театрининг артисти ва режиссери, СССР халқ артисти Борис Андреевич **Бабочкинга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилиб, Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва Болга» олтин медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль
1974 йил 18 январь.

«КОСМОС-628» ПАРВОЗДА

1974 йил 17 январда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йлдоши «Космос-628» учирилди.

Йлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика матбуотини ривожлантиришдаги хизматлари учун Сурхондарё область «Ленин байроғи» газетаси редакциясининг меҳнаткашлар хатлари бўлими мудири Амина Тўрахўжаевна **Баҳодировага** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонини берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика матбуотида кўп йил ва самарали ишлаганликлари учун Сурхондарё область «Ленин байроғи» газетаси редакциясининг алоҳида ўрнак кўрсатган қуйидаги ходимларини: масъул секретарь Исомиддин **Отақуловни**, бош корректор Мусин Насимович **Ганиевни**, партия турмуши бўлими мудири Фарид Жўрабоевич **Шамановни** ва Сурхондарё область босмахонасининг линотипчиси Лиза Минибоевна **Мавлютовани** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада физкультура ва спортни ривожлантиришда эришган муваффақиятлари ҳамда Бутуниттифоқ ва халқаро спорт мусобақаларида юксак ютуқларга эришганликлари учун етакчи спортчилардан ҳамда физкультура ва спорт ходимларидан бир группасини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

МЕҲНАТДА ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

(Боши 1-бетда).

Боку нефтчилари республиканинг ифтиҳори ва шуҳратидир. Аммо Озарбайжоннинг ҳозирги индустрияси қуватли нефть саноатидангина иборат бўлиб қолмай, шу билан бирга юксак даражада ривожланган химия ва нефть химияси саноатидан, қора ва рангли металлургиядан, электротехника ва радиотехника саноатидан, подшипниклар ва автоматлаштириш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлардан ҳам иборатдир. Енгил ва озиқ-овқат саноати янги техника асосида ривожланмоқда.

Республика индустриясининг ҳодимлари 1973 йил планлари ва топшириқларини муваффақиятли уддаладилар. Саноат ишлаб чиқариши аввалги йилга нисбатан 12 процент ўсди, меҳнат унумдорлиги эса бир йил ичида 9,4 процент ошди.

Республиканинг умумий муваффақиятларида қишлоқ хўжалик ходимларининг ҳам катта хизмати бор. Улар давлатнинг жуда катта ёрдамига таяниб дала ва фермаларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар, ўз ўлкасининг бой табиий имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланишга интилмоқдалар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқлари маҳсулдорлигини оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Мамлакатимиз республика деҳқонлари ва чорвадорларидан дон, пахта, сабзавот, мева, узум, чой, тўшук, сут, тухум ва бошқа маҳсулотларни олмоқда. Масалан, бултур совет қишлоқлари дастурхонига 413 минг тоннадан ортиқ, яъни социалистик мажбуриятларда кўзда тутилганига нисбатан 53 минг тонна кўп сабзавот тортиқ қилинди. Республика сабзавотчилари эришилган ютуқлар билан ҳотиржам бўлиб қолмаётганликлари жуда яхши. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг Озарбайжонда иссиқликни яхши кўрадиган эртанги сабзавот етиштиришнинг катта базасини барпо этиш тўғрисидаги қарорини бажара бориб, улар сабзавотчиликни янада интенсивлаш йўлидаги ўз куч ғайратларини кўлайтирмоқдалар.

Республика пахтакорлари жуда яхши меҳнат қилдилар. Ялпи пахта ҳосили жиҳатидан улар беш йилликнинг охирги йилига планлаштирилган даражага чиқиб олдилар.

Республика қишлоқ хўжалик ходимлари эришган муваффақиятлар муносиб равишда баҳоланди. Деҳқонларнинг 1973 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунлари бўйича Озарбайжон ССР ғолиблар сафидан жой олди ва унга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғи берилди. Бундан сал аввал республика чорвадорлари ҳам шундай мукофотга сазовор бўлган эдилар.

Республика социалистик мусобақа илғорларидан катта бир группаси яқинда ҳукуматнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди, уларнинг баъзи бирларига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Ф. Д. Кулаков мусобақа ғолибларини юксак мукофотлар билан самимий табриклади.

Нотиқ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш масалаларига, унинг резервларидан ва имкониятларидан жуда тўлиқ фойдаланишга катта эътибор берди.

Партия ва ҳукумат қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва экономиканинг ҳаётий муҳим бўлган бу тармоғини янада ривожлантириш учун имкони бўлган ҳамма ишларни қилмоқдалар. Вазифа—моддий-техника воситаларини, шунингдек, колхоз ва совхозлар ихтиёридаги жуда катта ички резервлардан ғоят самарали фойдаланишдан иборат. Деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини янада ошириш, ишлаб чиқаришга фан ва практика ютуқларини янада активроқ жорий этиш қишлоқ партия ташкилотлари ва қишлоқдаги барча меҳнаткашларнинг энг муҳим вазифасидир. Дон хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш, экинзорлар структурасини яхшилаш, озиқ-овқат ва ем бўладиган дон ҳосилини кўпайтиришнинг бошқа резервларини кидириб топиш, хуллас, ўтган йилда эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб, янада юксак марраларга эришиш учун ҳамма ишни қилиш керак.

КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, қишлоқ хўжалигимиз анча мустаҳкамланиб олган, анча пухта заминга ўтиб олаётган ҳозирги пайтда уни интенсивлаштириш вазифаси биринчи ўринга чиқариб қўйилмоқда. Эндиликда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва янада концентрациялаш, уни замонавий индустриал негизга ўтказиш бу вазифани ҳал этишнинг асосий йўлларидан бирига айланмоқда. Хўжаликлараро чорвачилик фермалари ва комплексларини, тўйимли озуқа ишлаб чиқарувчи, қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишловчи корхоналар, ҳамда бошқа корхона ва бирлашмаларни тузишга кенг йўл очиб қўйдиги вақт ҳам келди.

Ҳозирги вақтни ғанимат билиб, ундан унумли фойдаланиб қолиш керак. Мўл ҳосил учун, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш учун курашда нафасни ростлаш йўқ ва бўлмайди ҳам. Сўнгра нотиқ кўкламги экишга ва бу йилги ҳамма қишлоқ хўжалик ишларини муваффақиятли ўтказишга пухта тайёргарлик кўриш масалаларига батафсил тўхталди.

Биз ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш, уни бошқариш услуби ва методларини такомиллаштириб, одамларни янги катта ишларга сафарбар этиб, шу билан бирга Ленининг: «Ҳамиша олға борингиз, ҳамиша кўпроқ ютуқларга эриш берингиз», деган васиятини доимо эсда тутишимиз керак, деб таъкидлади у.

Шундан кейин Ф. Д. Кулаков СССР халқаро аҳволи ва КПСС ташқи сиёсат фаолиятининг баъзи масалаларига тўхталиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети, деди пировардида Ф. Д. Кулаков, комил ишонч билан айтадики, Озарбайжон ССР меҳнаткашлари КПССнинг энг кекса жанговар отрядларидан бири — Озарбайжон Компартияси раҳбарлигида беш йиллик топшириқларини муддатидан аввал бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёздирадилар, республика ва бутун мамлакатнинг экономикаси, фан ва маданиятини ривожлантириш ишлаб чиқарувчи кучларини юксалтириш учун бундан буён ҳам ҳамма ишларни қила берадилар, пролетар интернационализми байроғини баланд кўтариб бораверадилар, СССР халқларининг бирлигини ва бузилмас дўстлигини мустаҳкамлайдилар.

Озарбайжон партия ташкилотида ҳозир энг мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган сиёсий етук, ғоявий чиниққан ва тажрибали кадрлар бор. КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш давомида Озарбайжон Компартияси, унинг Марказий Комитетининг ташкилотчилик ва сиёсий фаолияти хўжалик ва жамоат ҳаётининг турли соҳаларига раҳбарлик қилиш тажрибаси билан бойиди.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети партия ташкилотларининг куч-ғайратларини республика халқ хўжалигини ривожлантиришдаги камчиликларни тугатишга, кадрларга талабчанликни оширишга қаратмоқда. Республика партия органлари фаолиятида принципиаллик ва қатъият, ишчанлик, талабчанлик ва конкретлик янада кўпайди.

Сўнгра Ф. Д. Кулаков СССР Олий Совети Президиумининг Озарбайжон ССРни Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб эшиттирди, республика меҳнаткашларини Ватаннинг юксак мукофоти билан яна бир бор муборакбод қилди ва уларга янги муваффақиятлар тилади.

Тантанали мажлис қатнашчиларининг қизғин қарсаклари остида у Халқлар дўстлиги ордени Озарбайжон ССР байроғига тақиб қўйди.

Ф. Д. Кулаковнинг нутқи бир неча бор давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев жавоб нутқи сўзлади.

У Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, республика коммунистлари ва барча меҳнаткашлари номидан юксак мукофот учун КПСС ленинчи Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

Г. А. Алиев Совет Озарбайжонининг муваффақиятлари тўғрисида гапириб, республика Коммунистик партиясининг ленинча миллий сиёсати туфайли, улуғ рус халқи бошчилигидаги совет халқларининг интернационал бирлиги туфайли шу ютуқларга эришганлигини таъкидлади. Бугун ҳам Озарбайжон халқи халқларнинг ленинча дўстлигига мангу содиқ эканлигига яна бир карра қасамёд қилади.

Нотиқ КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми қарорлари республикада зўр жўшқинлик уйғотганлиги тўғрисида гапириб берди. Озарбайжон меҳнаткашлари партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси шахсан Марказий Комитетнинг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг жуда катта амалий ишини якдиллик билан маъқуллайдилар ва қўллаб-қувватлайдилар.

Озарбайжон партия ташкилоти, деб таъкидлади Г. А. Алиев, 1974 йилги тиғиз планларни ва умуман беш йилликни ҳеч сўзсиз тўла ва ошириб бажаришни таъминлаш учун бутун кучни ишга солади. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати социалистик мусобақани авж олдираётган Озарбайжон меҳнаткашларининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини янада жўш урдириб юборди.

Совет Озарбайжонининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари, деди пировардида Г. А. Алиев, партия XXIV съездининг тарихий қарорларини янада зўр сабот ва қатъият билан амалга оширадилар, бутун билимлари, ғайратлари ва маҳоратларини коммунизм қурилишига бағишлайдилар, деб улар КПСС ленинчи Марказий Комитетини, унинг Сиёсий бюросини, Совет ҳукуматини, шахсан Марказий Комитетнинг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтирадилар.

«КПСС XXII съезди» нефть-газ қазиш бошқармасининг пармалаш мастери И. С. Ҳусайнов, Имишли районидаги Жданов номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Р. Ф. Алиева, Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг президенти Г. Б. Абдуллаев, Бокудаги мактаблардан бирининг муаллими А. Ф. Тарасова, Озарбайжон Давлат университетининг студенти Ф. Ш. Векилова Коммунистик партия билан Совет ҳукуматига чуқур миннатдорчилик билдирдилар. Республика меҳнатчилари дейишди улар, Ватаннинг юксак мукофотига янги меҳнат зафарлари билан жавоб берадилар, беш йилликнинг тўртинчи, белгиловчи йили топшириқларини ва юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажарадилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

АҲИЛ ОИЛАДА

УДМУРТИЯ АССРГА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

ИЖЕВСК, 17 январь. (ТАСС). Удмуртия АССР байроғидаги Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени ёнига бугун Халқлар дўстлиги ордени тақиб қўйилди. Автоном республика мамлакатимиз халқларининг қардошларча дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, коммунизм қурилиши ишига катта ҳисса қўшганлиги учун шу юксак мукофот билан тақдирланди.

Удмуртия область партия комитети билан Удмуртия АССР Олий Советининг республикага Халқлар дўстлиги орденини топширишга бағишланиб машинасозларнинг маданият саройида ўтказилган қўшма тантанали мажлисига меҳнаткашларнинг вакиллари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари тўпландилар.

Тантанали мажлисни Удмуртия АССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. П. Сисоев очди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, партия Марказий Комитетининг секретари П. Н. Демичев тантанали мажлисда табрик нутқи сўзлади.

Совет Удмуртияси Коммунистик партия раҳбарлигида катта, шонли йўлни босиб ўтди. Эндиликда социалистик Удмуртия машинасозлик, замонавий электроника республикасидир. Унинг маҳсулотлари — металл қирқиш станоклари ва электр двигателлари, қоғоз ясаш машиналари, мотоциклларни, телевизорлари, радиола ва радиоприёмниклари, электр каралари ва редукторлари мамлакатимизда ҳам, унинг ташқарисидаги кўп жойларда ҳам яхши шуҳрат қозонган.

Совет Удмуртияси эришган муваффақиятлар, унинг жўшқин социал, иқтисодий ва маданий тараққиёти республика ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, халқ зиёлилари бунёдкорлик меҳнатининг қонуний якунидир.

Совет Иттифоқидаги барча миллатлар ва элатларга мансуб меҳнаткашларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билан мамлакатимизда ривожланган социализм барпо этилган бугунги кунда қудратли кўп миллатли Ватанимиз халқларини боғлаб турган буюк бирлик ва қардошлик алоқалари янада зўр куч билан намоён бўлади.

Экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда, халқ турмушининг моддий даражасини оширишда, тўқкизинчи беш йиллик планларини бажаришда эришилган катта-катта муваффақиятларда ўтган 1973 йил алоҳида роль ўйнади. Беш йиллик топшириқларини бажаришга мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари билан бирга Совет Удмуртиясининг меҳнатчилари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Муваффақиятлар бизни қувонтиради, қонуний ифтихор туйғуларини кучайтиради. Аммо биз партия таълим берганидек эришилган натижаларни эртанги кун нуқтаи назари ва талаблари асосида, келгусида ҳал этилиши лозим бўлган янги, янада мураккаб вазифаларни ҳисобга олган ҳолда баҳолашни унутмаслигимиз керак. Беш йиллик учинчи йили ютуқларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, тўртинчи йил план топшириқларини тўла ва ошириб бажаришга партия совет халқини руҳлантирмоқда, меҳнаткашларни шундай қилишга даъват этмоқда. Экономика ривожидаги сифат, интенсивлик омилларига кескин бурилиш қилиш зарурати энг асосий вазифадир.

Ривожланган социализм, коммунистик қурилиш шароитлари совет кишисининг сиёсий онглилигига, маълумотига, ўқишқоқлигига ва интизомига, унинг ахлоқий қиёфасига нисбатан янги-янги талабларни ўртага қўймоқда. Эндиликда социалистик мусобақа янги босқичга кўтарилмоқда, у кўпгина фойдали ташаббуслар ва янгиликлар билан бойимоқда.

Социалистик тузум меҳнат аҳлини бутун ижтимоий ҳаётимизнинг олдинги маррасига чиқариб қўймоқда. Бизнинг совет шароитимизда ишлаб чиқариш илғори, новатори—меҳнат коллективининг фахри, мамлакатимизнинг шон-шарафидир. Марксизм-ленинизм, социалистик меҳнат ахлоқи принципи бизнинг жамиятимизда ҳукмрон принцип бўлиб қолмоқда. Бизнинг шароитимизда бу принципни ҳар қандай тарзда бузишга асло тоқат қилиб бўлмаслигининг боиси ҳам ана шудир.

Шундан кейин П. Н. Демичев ҳозирги халқаро вазиятни анализ қилиб берди.

Совет кишилари партия Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси,—КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев олиб бораётган актив ва собиқадам фаолиятни қизғин қўллаб-қувватламоқдалар, ўртоқ Л. И. Брежнев партиямиз билан давлатимизнинг ташқи сиёсат йўлини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ғоят буюк ҳисса қўшаётганлигидан мамнун бўлмоқдалар.

Ҳозирги замон шароитида идеология соҳасида империализм ва реакция кучларига қарши жаҳон социализми кучлари олиб бораётган қураш тобора эўр салмоқ касб этмоқда. Империализм ўз тактикасининг қиёфасини ўзгартиришга, унинг янги турларини қидириб топишга, марксизм-ленинизмга, КПСС сиёсатига идеология соҳасида қарши ҳужум ташкил этишга, ашаддий туҳмат билан бирга социализмни «нуратиш» деб аталган маккорона хатти-ҳаракатларнинг турли усулларини қўшиб олиб боришга уринмоқда. Эндиликда ҳамма найранглар — инсон ҳуқуқларини чайқов бозорига солиш ҳам, сиёсатдан четда туришни тарғиб қилиш ҳам, капитализмни янги усулда ташвиқ этиш ҳам, майда буржуа психологиясини ва миллатчилик кайфиятларини кучайтириш ҳам ишга солиб қўрилмоқда.

П. Н. Демичев Удмуртия АССРни Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонни ўқиб эшиттиради ва мажлис аҳлининг гулдурос қарсаклари остида юксак мукофотни республика байроғига тақиб қўяди.

Пировардида П. Н. Демичев бундай деди: Совет Удмуртиясининг меҳнаткашлари юксак мукофотга меҳнатда янги зафарларга эришиш билан жавоб берадилар, беш йилликнинг тўртинчи йили планларини муваффақиятли бажарадилар, КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшадилар, деб астойдил ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

П. Н. Демичев нутқи давомли қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди.

КПСС Удмуртия область комитетининг биринчи секретари В. К. Марисов жавоб нутқи сўзлади. У юксак мукофот учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга самимий миннатдорчилик ва қизғин ташаккур изҳор этди.

Нотиқ республика партия ташкилоти, меҳнаткашлари ўзларининг бутун кучларини КПСС XXIV съезди қарорларини муваффақиятли равишда амалга оширишга сарф қиладилар, беш йилликнинг тўртинчи йилида социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтарадилар, деб КПСС Марказий Комитетини, унинг Сиёсий бюросини, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматини ишонтирди.

Мажлисда СССР Олий Советининг депутати, «СССР 50 йиллиги» Ижевск металлургия заводининг пўлат эритувчиси Е. М. Петров, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Воткинский» совхозининг бригадири Е. И. Кузнецова, иқтисод фанлари доктори, Ижевск қишлоқ хўжалик институтининг профессори Е. П. Брянских, В. Г. Короленко номидаги Глазов педагогика институтининг студенти Ф. Н. Новокшенова Коммунистик партия билан Совет давлатига чуқур ташаккур ва самимий миннатдорчилик сўзларини айтдилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

* * *

Удмуртия АССРда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари П. Н. Демичев Ижевскдаги қоғоз ясайдиган оғир машиналар заводини бориб кўрди. У ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболларига, тўқкизинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида корхонада социалистик мусобақани ривожлантиришга алоҳида эътибор берди.

П. Н. Демичев республиканинг энг катта ўқув юртида, «СССР 50 йиллиги» Удмуртия Давлат университетида бўлиб, халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун мутахассислар тайёрлаш системаси билан қизикди.

Шаҳар архитектура залида П. Н. Демичев Ижевскнинг янги уйжой районларини қуриш планлари билан танишди.

П. Н. Демичев В. И. Ленин ҳайкалига гул қўйди.

КПСС Удмуртия область комитетининг биринчи секретари В. К. Марисов, Удмуртия АССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. П. Сисоев, республика Министрлар Советининг Раиси А. Т. Марков ҳам гул қўйдилар.

(ТАСС).





Венгрия Халқ Республикасининг энергетика базаси ўсмоқда. Ҳозир Инотда мамлакатнинг энг йирик иссиқлик электр станцияларидан бири қурилмоқда. Бу станция учун газ турбиналарини ленинградлик машинасозлар тайёрлашган. Суратда: совет мутахассиси Борис Малукин 100 меговатт қувватли биринчи турбинани йиғмоқда.

МТИ — ТАСС фотоси.

Яқинда кучли шамол аралаш ёққан жала Франциянинг марказий ва Жанубий районларида тошқинларга сабаб бўлди. Электр узатиш линиялари шикастланди, йўллар ювилиб кетди, кўпгина аҳоли пунктлари қамал ҳолатига тушиб қолди. Суратда: Вале-де-Лиманьдаги қишлоқлардан бирида сув тошқини.

Кейстон — ТАСС фотоси.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

⊙ КУБА Л. И. БРЕЖНЕВНИ КУТМОҚДА

⊙ ПОЛЬША ПОЙТАХТИДА ТАНТАНАЛАР

⊙ СССР — АҚШ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ

⊙ ХИТОЙ РАҲБАРЛАРИ ЎЗ-ЎЗИНИ ФОШ ҚИЛМОҚДАЛАР

⊙ ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРДАН ХАБАРЛАР

КАТТА ҲОЗИРЛИК

ГАВАНА, 16 январь. (ТАСС мухбири). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Кубага келган вақтида марксизм-ленинизм таълимоти туфайли, биз бутун инсониятнинг порлоқ келажаги сари биргаликда борилаётган умумий йўлни нурафшон қилиб турган шу таълимот туфайли халқларимиз ва партияларимизни чамбарчас боғлаб турган чўқур қардошлик туйғулари ва буюк бирдамлик ҳислари намойиш қилинади, деди Куба Компартияси Марказий Комитети секретариатининг аъзоси Рауль Гарсия Пелаес.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг мамлакатимизга қиладиган визити — бутун Куба халқи учун, партиямиз ва ҳукуматимиз учун зўр қувончдир, — деди у ТАСС мухбири билан суҳбатда. Халқимиз ўртоқ Л. И. Брежневни қизғин ва самимий табриклаш билан, у орқали барча совет кишиларини ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини табриклайди. Эндиликда жаҳон социализмининг авангард кучи бўлган ишчи ва деҳқонларнинг инсоният тарихида биринчи давлатини барпо этишга олиб келган Октябрь революциясини амалга оширганларга меҳр-муҳаббат ва миннатдорчилик туйғуларини изҳор этади.

Бу тарихий визит ўзининг муҳимлиги ва аҳамияти жиҳатидан Куба ва Совет Иттифоқи халқлари билан Коммунистик партиялари манфаатлари доирасидагина чекланиб қолмайди. У умуман халқаро вазиятга, хусусан Латин Америкасидаги аҳволга катта таъсир ўтказиши шубҳасиз. Латин Америкаси халқлари Куба революциясининг ютуқларини умид ва тобора зўр қизиқиш билан кузатиб турибдилар.

Куба — Совет ҳамкорлиги ва совет халқи Куба халқига бераётган самимий, бегараз ва самарали ёрдам бизнинг экономикамиз ва мудофаа қобиляятимизни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учунгина муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмайди, деб таъкидлади Рауль Гарсия Пелаес. Бу ҳамкорлик ва бу ёрдам Америка ва бутун дунё халқларига коммунистик бирдамлик моҳиятини, марксизм-ленинизм таълимоти ҳамда халқларимиз қардошлигининг тўғрилиги ва кучини намойиш қилади.

Бу — ҳамма халқлар учун, айниқса ривожланаётган мамлакатларнинг халқлари учун порлоқ намунадир. Улар капитализм билан социализмнинг сиёсати ўртасидаги, халқларни янги мустамлакачилик асоратига солиш ва эксплуатация қилишга қаратилган машъум капиталистик «ёрдам» билан чинакам озодлик йўлига ўтиб олаётган халқларга социалистик ҳамдўстлик бераётган чинакам ёрдам ва мадад ўртасидаги тафовутни равшан кўришлари мумкин.

Н. ЧИГИРЬ.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

ФРАНКФУРТ-МАЙН, 17 январь (ТАСС). Бу ерда СССР Министрлар Советининг фан ва техника давлат комитети билан ГФРда химия ва металлургия саноати учун комплекс машина-ускуналар лойиҳаловчи ва ишлаб чиқарувчи катта «Лурги гезельшафтен» фирмаси ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим имзоланди. Битимни Давлат Комитети Раисининг ўринбосари Д. М. Гвишиани ва «Лурги гезельшафтен» президенти Я. Гревен имзоладилар.

Беш йилга тузилган битимга мувофиқ фан ва техника Давлат Комитети билан «Лурги гезельшафтен» илмий-техникавий ҳужжатлар, қўшимча лойиҳалар ишлаб чиқиш тўғрисидаги маълумотларни алмашиш соҳасида ҳамкорлик қиладилар. Илмий симпозиум — саноат мутахассисларини кенг кўламда бир-бирларига юбориб туришни ҳам кўзда тутади.

ОЗОДЛИК ЙИЛЛИГИ

ВАРШАВА, 17 январь. (ТАСС). Польша пойтахти бугун фашист босқинчилардан озод қилинган кунинг 29 йиллигини нишонламоқда. Шаҳар кўчалари байрамона безатилган. Ўнлаб варшавликлар фахрий медаллар билан мукофотланди. Шаҳар экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшган кишиларга ҳар йили шу мукофотлар топширилади.

Бу ерда «Варшава кеча ва бугун» деган катта виставка очилди. Маданият ва фан саройида катта байрам концерти бўлди.

ФОЙДАЛИ УЧРАШУВЛАР

ВАШИНГТОН, (ТАСС). Совет Иттифоқи ва Қўшма Штатлар юрист олимларининг бу ерда тамом бўлган конференцияси Совет—Америка савдосини янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий масалаларини муҳокама қилишга бағишланди.

Мажлисларда СССР билан АҚШ ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун савдо-сотиқ соҳасида энг кўп қулайлик яратиш режимининг аҳамияти, ташқи савдо битимларининг ва низоларни арбитраж тартибида кўриб чиқишнинг ҳуқуқий шартлари, ихтиролар ва бошқа фан-техника ютуқларининг лицензиялари билан савдо қилиш сингари муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Конференция қатнашчилари Совет—Америка иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигини янада ривожлантиришни ёқлаб чиқдилар. Ҳар иккала томон икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг актуал проблемалари юзасидан совет ва Американинг юрист олимлари қўшимча учрашувларини ўтказиб туриш тўғрисидаги истакни изҳор этди.

Совет юристлари делегациясига СССР Фанлар академияси давлат ва ҳуқуқ институтининг директори, профессор В. Н. Кудрявцев, АҚШ делегациясига Америка халқаро ҳуқуқ жамиятининг раиси У. Рожерс бошчилик қилдилар.

ТАРИХИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ВОҚЕА

ГАВАНА, 17 январь. (ТАСС мухбири). «КПСС Марказий Комитети Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг Кубага қиладиган визити жуда муҳим воқеа бўлади, деди ТАСС мухбирига Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, революцион ҳукумат бош министрининг ўринбосари Белармино Кастилья. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Куба диёрида бўлиши икки мамлакат Коммунистик партиялари ва ҳукуматлари ўртасидаги қардошларча муносабатларни чуқурлаштиришга ва ривожлантиришга, Совет Иттифоқи билан Куба халқлари ўртасидаги бузилмас дўстликни янада мустаҳкамлашга жуда катта ёрдам беришига шубҳа йўқ. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг келиши Куба меҳнаткашлари учун, бутун революцион халқимиз учун қувончли воқеа бўлади, бу эса бизнинг Ленин ватанига ва унинг қаҳрамон халқига бўлган хайриҳоҳлик туйғуларимизни яна бир бор изҳор этиш имконини беради».

«Ўртоқ Брежнев Куба диёрига келиб, халқимизнинг меҳнатдаги ишлари билан, халқ хўжалигининг турли соҳаларини ривожлантириш учун олиб бораётган кундалик ураши билан, маориф, фан ва маданият соҳасида эришган муваффақиятлари билан яқиндан танишиш имконини олади», деди Белармино Кастилья.

ЖАҲОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ БЮРОСИНИНГ МАЖЛИСИ

ЖЕНЕВА, 17 январь. (ТАСС). Бугун бу ерда Жаҳон касаба союзлари Федерацияси бюросининг навбатдаги мажлиси очилди. Мажлис ишида ВЦСПС раиси А. Н. Шелепин бошчилигидаги совет касаба союз делегацияси қатнашмоқда.

ПОЙТАХТ ҚОЛДИҚЛАРИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистон археологлари Уттар-Прадеш штатида Паратакар қироллигининг қадимий пойтахти — Брахмапура шаҳрининг қолдиқларини топишди. Эрамизнинг VI асрида Кумаюн тоғларида қурилган шаҳар вайроналари 6 квадрат километр территорияни эгаллайди.

ФИЛЛАР САҚЛАБ ҚОЛИНСИН!

ХАРТИМ. (ТАСС). Суданда нодир ёввойи ҳайвонларни сақлаб қолиш мақсадида уларни оммавий қириб юборишга қарши кураш тадбирлари кўрилмоқда.

Жанубий Судан олий ижроия кенгаши филларни отишга берилаётган руҳсатномани бир йилга тақиқлаб қўйди. Фил суягининг нархи қимматлашганлиги муносабати билан филлар ваҳшийларча қириб юборилади. Кения, Уганда ва Африкадаги бир қанча бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари филларни ҳимоя қилиш тўғрисида бундан бирмунча илғарироқ тадбирлар кўрган эди.

РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИГА ХИЛОФ РАВИШДА

ДЕҲЛИ, 17 январь. (ТАСС). Пекин раҳбарларининг кўпгина проблемалар хусусидаги позицияси империалистик мамлакатларнинг позициясидан фарқ қилмайди ва ривожланаётган мамлакатларнинг манфаатларига зид келади, деб ёзади Ҳиндистондаги «Пиплз сектор» журнали.

Пекинлик раҳбарлар, деб таъкидлайди журнал, империалистик давлатларнинг агрессив ҳарбий иттифоқларини қўллаб-қувватловчи баёнотларни бермоқдалар, ривожланаётган мамлакатларни коллектив бўлиб эксплуатация қилаётган «Умумий бозор»ни ривожлантиришга чақирмоқдалар. Шериклар ва иттифоқчиларни танлашда Пекин сиёсий оппортунизмга тойиб кетаётганлигини Хитойнинг Португалия, Жанубий Африка Республикаси ва Жанубий Родезия ҳукуматлари — блокларга қўшилмаган мамлакатларнинг ана шу манфур душманлари бўлган мустамлакачи ва ирқчи режимлар билан алоқалари тобора кенгайиб бораётганлиги жуда яққол кўриниб турибди. Макао ва Гонконг орқали олиб борилаётган Хитой—Португалия савдоси анча катта миқдорга етди. Хитой ҳар йили Родезиядан 70.000 тонна хром руداси харид қилмоқда. Ўтган йил мартида Жанубий Африка Республикасида ўтказилган ярмаркада Хитой моллари ошкора кўз-кўз қилинди.

Пекиннинг сиёсати, дейилади мақолада, блокларга қўшилмаслик ҳаракатига асос қилиб олинган Бандунг принципларига — бошқа мамлакатларнинг ишларига аралашмаслик, бир-бирининг территориал бутунлиги ва суверенитетини ўзаро ҳурмат қилиб, агрессиядан воз кечиш, тенглик ва ўзаро манфаат ҳамда тинч-тотув яшаш принципларига ҳар жиҳатдан зид бўлиб тушаётганлигини фактлар кўрсатиб турибди.

Тинч-тотув яшашга келганда, Пекин бу принципни ҳатто оғизда қўллаб-қувватлашга ҳам интилмаётир, халқаро муносабатларнинг бу принципини ривожланаётган мамлакатлар орасида ҳукмронликка интилишдан иборат ўз мақсадига бевосита хавф солувчи бир нарса деб билмоқда.

Пекиннинг бундай сиёсати мағлубиятга учраб, ўзини-ўзи фош этмоқда. Масалан, блокларга қўшилмаган мамлакатлар Жазоир конференциясининг иш натижалари ана шундан далолат беради.

Пекиндагиларнинг халқаро вазиятни анализ қилиши нақадар хато ва нореалистик эканлиги, бу анализ Совет Иттифоқи кескинликни юмшатиш соҳасида қилаётган ишларни ва тинчлик йўлида қўйилган қадамларни учинчи дунё давлатлари ҳисобига ўта бўюк давлатлар ўртасидаги «тил бириктириш» тарзида тасвирлаш мумкин деган тезисга асосланганлиги шу конференцияда ҳаммага очиқ-равшан кўрсатиб берилди.

Пекин ривожланаётган мамлакатларни тазйиқ ўтказиш ва бевосита аралашиш ёрдамида ўзининг иқтисодий ва сиёсий назоратига бўйсундиришга уриниб, кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш соҳасидаги ҳар қандай тадбирларга мутлақо қарши чиқмоқда, чунки тинчлик муҳитида ҳар бир давлат ўзининг ҳарбий қудратидан қатъий назар, халқаро муносабатларда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиб қолиши мумкин бўлур эди, уларнинг бутун инсоният учун муштарак бўлган иқтисодий ва маданий бойликларни яратиш соҳасидаги имкониятлари ҳам лозим даражада ҳисобга олиниши мумкин бўлур эди.

Мао Цзэ-дун халқаро кескинлик халқларга кўнгилсиз таъсир ўтказади, деб ҳисоблаш хато бўлур эди, деган гапни 1959 йилдаёқ айтган эди. Хитой ана шу гапни рўкач қилиб, ривожланаётган мамлакатларга ҳам худди шундай тактикани тиқиштирмоқчи бўлмоқда.

Пекиннинг Жазоир конференциясидаги мағлубияти тасодифий ҳол бўлгани йўқ, деб ёзади пировардида журнал. Бу мағлубият Пекин раҳбарларининг Хитойнинг буюк давлатчилик хирсларини қондиришга қаратилган ҳозирги сиёсати йўлидан келиб чиқади.

ИСРОИЛНИНГ ИҒВОГАРЛИГИ

БАЙРУТ. (ТАСС). Исроил артиллериясининг Ливаннинг бир қанча районларини яна ўққа тутди. Жанубий Ливаннинг Рашайя, Алфуххар ва Халта қишлоқлари ярим соат мобайнида тўпга тутилди.

ДАМАШҚ. (ТАСС). Исроил қўшинлари ўтган уч кеча-кундуз мобайнида Сурия—Исроил фронтининг марказий участкасида олдинги позициясини уч марта мустаҳкамлашга уриндилар.

Сурия ҳарбий қўмондонлигининг вакили душманнинг олдинги позицияга ўтишга қилган барча уринишларини Сурия тўпчилари барбод қилишди, деб хабар берди.

ЭРОНДА ҚАЛИН ҚОР

ТЕҲРОН. (ТАСС). Сўнгги уч кун мобайнида ёққан қалин қор Эроннинг шимолий ва марказий районларида нормал ҳаётни издан чиқариб қўйди.

Баъзи жойларда қорнинг қалинлиги 3-4 метрга етди. Автомобиль қатнови тўхтаб қолди. Мамлакат пойтахтини ярим метр қор босган. Теҳроннинг шимолий қисми шаҳарнинг бошқа районларидан қор уюмлари оқибатида ажралиб қолди. Аэропортлар ишламаётир. Мактаблар ёпилган. Асрий дарахтлар қорнинг оғирлигини кўтаролмай қулаб тушмоқда. Эронлик қариялар қиш бундай келганини эслай олмайдилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

⊙ БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасининг Вьетнам Демократик Республикасига бирдамлик совғаси — 8 мингта китоб жўнатилди. Бу китоблар Вьетнам пойтахтидаги миллий кутубхонада «ГДР китоблари» бўлими учун мўлжалланган.

Адабиётларни тўплаш кампаниясида Германия Демократик Республикасидаги 200 га яқин кутубхона, университетлар ва бошқа илмий муассасалар қатнашди.

⊙ БОНН. ГФРдаги прогрессив нашриёт «Вельткрайсферлаг (Дортмунд) иккита пластинка чиқарди. Бу пластинкаларни сотишдан тушган маблағ «Чили билан бирдамлик ҳисобига» ўтказилади. «Венсеремос» («Биз ғалаба қиламиз») деб аталувчи пластинкалардан бири ёшлар ва студентларнинг Берлинда бўлиб ўтган X жаҳон фестивали қўшиқлари ёзилган, иккинчи пластинкада эса Чили президенти Сальвадор Альенденинг 1973 йил 11 сентябрда Ла Монеда саройида плёнкага ёзилган сўнгги нутқи бор.

⊙ МАДРИД. Бу ерда эълон қилинган маълумотларга биноан, Испания аҳолисининг сони 35.041.000 кишидан иборат.

⊙ ДЕҲЛИ. Покистон ҳарбий асирлари ва граждан шахсларини Ҳиндистон ва Бангладешдан ҳамда бенгалларни Покистондан қайтариш муваффақиятли давом этмоқда. Деҳли шартномасига биноан ҳозиргача уч мамлакатдан 150 мингдан ортиқ киши ўз ватанига қайтарилган.

⊙ НИКОЗИЯ. Кипр полицияси Ларнака шаҳри районида генерал Гриваснинг яширин террористик ташкилотига қарши операция ўтказди. Бир неча ўн киши қамоққа олинди.

⊙ ЛАГОС. Нигерияда мамлакатнинг шарқидаги Огут шаҳри яқинида яна бир нефть кони топилди. Нефть конини ишлаб чиқиш ва уни фойдаланишга топширишни давлат миллий нефть корпорацияси амалга оширади. Янги нефть қудуғи бир кунда бир минг баррель нефть бермоқда. Нигерияда кунлик нефть қазиб олиш икки миллион баррелдан ортиб кетди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Беш йиллик топшириқларини ва 1973 йилда олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда кўрсатган меҳнат қаҳрамонлиги, озиқ-овқат товарлари етиштиришни кўлайтиришга катта ижодий ҳисса қўшганликлари учун қуйидагиларга Социалистик Меҳнат Қаҳрэмони унвони берилсин ҳамда **Ленин** ордени ва **«Ўроқ ва болға»** олтин медали топширилсин:

Бондаренко Иван Николаевич— Воронеж область, Ольховат қанд комбинати ишчиларининг бригадири.

Бужинский Анатолий Ануфриевич — Минск шаҳар новвойхонаси саноат бирлашмасига қарашли 2-нон заводининг новвой устаси.

Гордеева Таисия Васильевна — Брянск область, Погар сигаретасигара комбинати ишчиларининг бригадири.

Гербенюков Николай Александрович — Жамбул қанд комбинати слесарларининг бригадири.

Демчук Раиса Егоровна — Краснодар ўлкаси, Крим консерва комбинатининг аппаратчиси.

Еремеева Мария Семеновна — Москвадаги «Рот-фронт» кондитер комбинати ишчиларининг бригадири.

Лагвилава Бабуца Капитоновна — Грузия ССР, Зугдиддаги 1-чой фабрикасининг ишчиси.

Мону Ольга Онисимовна — Молдавия ССР, Оргеев тамакиферментация заводи ишчиларининг бригадири.

Нурчаев Эрмат — Фарғона область, Қўқон ёғ-мой комбинати ишчиларининг бригадири.

Поведа Галина Антоновна — Хмельницкий область, Шепетовка қанд комбинатининг аппаратчиси.

Поляков Иван Тимофеевич — Ростовдаги «Рабочий» ёғ-мой комбинати ишчиларининг бригадири.

Початун Валентина Иосифовна — Киевдаги Карл Маркс номли кондитер фабрикаси ишчиларининг бригадири.

Семилет Мария Ивановна — Черкасск консерва комбинати ишчиларининг бригадири.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль
1974 йил 17 январь.

Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари изидан

ТЎПЧИНИНГ ЙЎЛИ

Абдуғофир ака Турсунов Улуғ Ватан урушининг биринчи куниёқ жангга кирган, сўнгра Москвадан Берлингача жанг қилиб, оловли йиллардан омон чиққанлардан бири.

Мана унинг жангоавр ҳаётидан бир лавҳа:

Белоруссия тупроғи учун жанг борарди. Кунларнинг бирида полк командири: «тил» олиб келишга ким боради? — деди.

— Мен! — деди сафда биринчи бўлиб турган Турсунов. Яна уч киши Турсуновдан кейин саф олдига чиқди. Тўпчилар душман орқасига ўтишди. Ўрмон оралаб икки-уч километр йўл юрилгач, бир сайҳон жойда немис тилида гаплашаётган уч киши кўриниб қолди. Улардан иккитаси окоп қазир, учинчиси эса қоровул бўлиб турар эди.

— Бу фрицларни олиб кетамизми?, — дўстларига мурожаат қилди Турсунов.

— Қандай қилиб? — сўради йигитлардан бири.

— Коронги тушишини кутамиз. Тўсатдан ҳужум қилиб қўлга туширамиз. Уз оёғи билан штабга етказамиз, — деди Турсунов. Немислардан бири котелокларни олиб ўрмон ичига кетди. Бу фурсатдан фойдаланган тўпчи-разведкачилар дарҳол окопга бостириб келишди. Қаршилик кўрсатишга уринган душман автомат қўндоғи зарбидан йиқилди. Иккинчиси қаршилик кўрсатмай разведкачилар олдига тушди. Улар 700 метрча йўл юргандан кейин отишма бошланиб кетди. Лекин душман мақсадига эриша олмади. Қўлга тушгандар «СС» дивизиясининг сапёрлари экан.

Абдуғофир ака жанг майдонларида зўр мардлик ва жасорат кўрсатди. Берлинга етай деганда полк жангчилари сони камайиб кетди. Дивизия командири полковник Ротков билан етти кишигина тирик қолган эди. Шулардан бири бўкалик Турсунов эди. «Танимизда бир қошиқ қонимиз қолгунча жанг қиламиз», деб қасам ичган гвардиячилар фақат олға интилишарди.

Берлин остонаси. Шаҳар миноралaридан, кўп қаватли уйлардан ўт очаётган пулемёт, миномёт, тўп снарядлари бош кўтартирмасди. Бир неча тўп ишдан чиқди. Гвардиячи тўпчилар ўлжа олинган зенит тўплари билан душман истеҳкомларига қарата ўт оча бошладилар. Улар душман қаршилигини енгиб, Берлин шаҳрига кириб бордилар.

Абдуғофир ака Турсунов Улуғ Ватан урушидан кейин ўз қишлоғида колхоз раиси, райинжрокомда бўлим мудири каби раҳбарлик ишларида ўзини кўрсатди. «Қизил юлдуз» ордени, ўнлаб медаллар унинг кўксини безаб турибди. Пенсияга чиққач, Абдуғофир ака Тошкент шаҳрига кўчиб келди. Уни пионер ва ўқувчилар ҳузурида тез-тез учратиш мумкин. Уларга босиб ўтган жанговар йўллари ҳақида ҳикоя қилиб, Ватан учун яшашга ўргатади.

Р. ИСҲОҚОВ.

АХБОРОТ

ХУШХАБАРЛАР

1976 йил ҳисобига

Тошкент трикотаж фирмасининг тикув цехи ишчилари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидан руҳланиб, тўқиҳизинчи беш йиллиқнинг белгиловчи — тўртинчи йилида ўз устларига оширилган мажбуриятлар олиб ишламоқдалар. Улар Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси юбилейи нишонланадиган йилнинг дастлабки ярим ойини меҳнатда яхши натижалар билан якунладилар. Шу вақт ичида тайёрланган аёллар жемпери ва болалар костюми ўтган йилгидан 13 минг сўмлик кўпдир. М. Трифимова, О. Самитова ва А. Каврисова бошлиқ бригадалар намуна кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Кўпчилик тикувчилар беш йиллиқнинг тўртинчи йил планини Улуғ Октябрь байрамигача бажаришга аҳд қилдилар. Тикувчилардан Раҳима Муҳамедова, Рая Степанян, Мария Зяблова ва Зарифа Мирзаева каби ишчилар 1976 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

А. ФОЗИЛОВ.

Меҳнат календарида 77 йил

Наманган шойи тўқиш фабрикасининг илғор ишчиси, Берлинда ўтказилган Ҳ жаҳон ёшлари ва студентлари фестивалининг қатнашчиси Баҳодир Худойбердиевни яқинда касбдошлари улкан меҳнат ғалабаси билан табриклашди. У олти ўрнига 8 дастгоҳда ишлаб, 1977 йил меҳнат календарини очди. Пешқадам ишчининг беш йиллик бошидан буён тайёрлаган беқасами 124 минг метрдан ошиб кетди. Унинг кўксини «мусобақа ғолиби» нишони безаб турибди.

И. АЗИМБОЕВ, ишчи.

Янги комплекс

Бўстонликда 200 минг товуққа мўлжалланган паррандачилик фабрикасининг янги комплекси ишга тушди. Эндиликда фабрика ҳар йили 40 миллион донагача тухум етказиб бериш имкониятига эга. Бу йил паррандабоқарлар пландан ташқари 3 миллион дона тухум сотиш мажбуриятини олишди.

Комплексни қуришда Узбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 8-механизациялашган кўчма колонна коллективи қурувчилари астойдил меҳнат қилдилар.

Д. ПОЛЕВОЙ, Тошкент области.

Толадан «магнит»

Ленинграддаги С. М. Киров номли тўқимачилик ва енгил саноат институтининг толасифат полимерлар лабораторияси ходимлари сунъий толалар Бутуниттифоқ илмий текшириш институтининг Ленинград бўлими олимлари билан ҳамкорлик қилишмоқда.

Ҳамкорликда антиқа фильтр—толадан «магнит» яратилди. Кўринишдан оддий пахтани эслатувчи қизғиш рангли бундай «магнит» толалар олтин саралаш ва саноатнинг бошқа соҳаларидаги ртиқча ифрофарчиликларга чек қўяди. Тола суюқликка туширилганда олтин, кумуш, платина, вольфрам, молибден ва металл ионларини ўзига тортиб олиш хусусиятига эга.

Р. СОБИТОВ.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг ўтган йилги декабрь Пленуми қарорларидан руҳланган республикамиз саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларининг коллективлари тўқиҳизинчи беш йиллиқнинг тўртинчи йилини ҳам қувончли бошладилар. Редакцияга бу ҳақда кўплаб хушхабарлар оқими келмоқда. Булар орасида бухоролик **Ю. Уроқов, Т. Мақсудов, Х. Содиқов, И. Йўлдошев,** наманганлик **М. Йўлдошев,** андижонлик **У. Холиқов, С. Умаров, С. Мирзаев,** қашқадарёлик **Ж. Бобоев,** ангренлик **В. Улмасбоев,** хоразмлик **М. Абдураҳимов,** бекободлик **А. Мазмутов,** тошкентлик **Р. Шукуров,** термизлик **Н. Сулаймонов,** қорақалпоғистонлик **С. Серекеев** ва фарғоналик **Т. Преплагин** ўртоқлар юборган хат-хабарлар ҳам бор.

МАРДЛИК МАНГУ ҚОЛАДИ

МУКОФОТ ЭГАСИНИ ТОПДИ

БУХОРО, (**«Совет Узбекистони» мухбири**). Барот Аҳмедов Бухоро районидаги «Москва» колхозида истиқомат қилади. Қишлоқда оддий колхоз аъзоси. Бундан ўттиз йил муқаддам Совет Армияси сафида моҳир снайперчи эди. 290-ўқчи полк жангчилари сафида она-Ватанимизни фашист босқинчиларидан озод қилишда жасорат кўрсатди.

Барот Аҳмедов Ленинград учун бўлган жангларда мардларча жанг қилди. Қамал ҳалқасини ёриб ўтишда салкам 70 фашистни қириб ташлаган снайперчи оғир ярадор бўлиб қолди. У мамлакат ичкарисидаги госпиталга даволаш учун жўнатилди.

Қасоскор жангчи душманнинг икки корректировщигини йўқ қилиб, Ленинград атрофида жойлашган қисмларимиз учун йўл очиб берган эди. Ана шу мардлик жасорати учун у учинчи даражали «Шуҳрат» ордени билан мукофотланади. Лекин орден топширилмай қолган эди.

Фидокор жангчи соғайиб чиққач, Болтиқбўйи республикалари ҳамда Белоруссия шаҳар ва қишлоқларини озод қилишда қатнашади. Бухоролик баҳодир Берлингача бўлган оғир жангларда актив қатнашди. Улуғ Ватан урушидан қайтган собиқ снайперчи тинч қурилиш, қишлоқ хўжалигини юксалтириш ишларида қатнаша бошлади.

Яқинда мукофот эгасини топди. Барот Аҳмедовга учинчи даражали «Шуҳрат» ордени тантанали равишда топширилди.

ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА ҚУРА

„ДУМ"ИНИ ЙЎҚОТГАН „УЗУН СОЧЛИ"...

Бундан бир йил аввал гамбурглик астроном Л. Когоутек бир неча йиллардан буён кўзга кўринмай қолган баъзи даврий кометаларни қидириш билан шуғулланаётиб, тасодифан янги кометани кашф этди. У бу кометани бир неча кун давомида синчковлик билан кузатиб борди. Унинг орбитасини ҳисоблади ва Қуёшга жуда яқин жойдан ўтишини аниқлади. Одатда янги топилган, орбитаси ҳисоблаб чиқилган кометага кашфиётчининг номи берилади. Бу гал ҳам худди шундай бўлди. Янги «думли юлдуз Когоутек кометаси, деб атала бошланди.

«Думли юлдузлар — кометалар камдан-кам кўринадиган жисмлардан ҳисобланмай, деярли ҳар йили улардан бир нечтаси кашф этилади. Бироқ, кометани аниқлаш осон иш эмас, албатта. Кометани қидирувчилар (дарвоқе, ҳаваскор астрономлар ҳам бор) сабр-тоқат билан, мунтазам, ҳар куни кечқурун ва тонгга яқин қутб атрофини, Қуёш чиқиш ва ботиш нуқталарини синчковлик билан кузатиб, осмонда бирор ўзгариш юз берган-бермаганлигини текшириб кўрадилар. Беҳисоб ана шундай кузатишлар, ниҳоят, янги кометанинг кашф этилишига олиб келади. Жумладан, тошкентлик астроном С. М. Козик чамаси эллик йилдан ортиқ вақт мобайнида шу сингари кузатув ишлари олиб бориб, фақат иккитагина комета кашф қилган. СССРда барча комета қидирувчилар олтмишга яқин кометани аниқлаганлар.

Комета сўзи грекча бўлиб, «узун сочли» деган маънони англатади. Уни баъзан «думли юлдуз, деб ҳам аташади. XVII асрга қадар кометага атмосферада юз берадиган ҳодиса деб қараб келинган. Даниялик астроном Тихо Браге 1577 йилда кўринган кометани бир-биридан анча узоқда бўлган икки жойдан туриб кузатганида проекциялари осмон сферасида тахминан бир нуқтага тўғри келган. Олим комета Ойдан ҳам узоқ масофада жойлашган, деган хулоса чиқарган. Ушандан буён «думли юлдузларга Ой ва сайёралар каби самовий жисм, деб қаралади.

Комета юлдузларга нисбатан катта ёруғликдаги кўринишга эга бўлишига қарамай, аслида масса жиҳатидан жуда ҳам кичикдир. Маълум бўлган кометалар орасида энг каттаси 1811 йилда кузатилган эди. Унинг массаси 20.000 миллиард тонна, бош қисмининг диаметри 1 миллион 200 минг километр, яъни у Қуёш билан бир хил катталикда бўлган. Массасини самовий жисмларга солиштирсак, айтарли катта эмас. Чунки, масалан, Ойнинг массаси кометадан 3 миллион 270 минг баравар кўпдир. Аммо унинг зичлиги бир куб сантиметр ҳавонинг минг куб метр бўшлиққа тарқатилганига тенгдир. Бундай вакуум — бўшлиқни Ердаги лабораторияларда ҳам олишганича йўқ.

«Думли юлдузлар Қуёш оиласининг аъзоси бўлиб, шу системадаги энг ёш жисмлардан ҳисобланади. Баъзан бошқа юлдуз системаларидан ҳам кометалар келиб қолиши мумкин. Кўпинча комета Қуёш атрофида даврий айланувчи жисм ёки Қуёш системасида янги пайдо бўлган жисмдир. Уларнинг пайдо бўлиши ҳақида турли-туман фаразлар мавжуд. Ҳозир астрономияда иккита фараз асос қилиб олинган. Голландиялик олим Оорт фаразига кўра Қуёш системасининг энг чекка чегарасида кометалар ядросидан иборат ва Қуёш системасини ўраб турувчи булут мавжуд. Бошқа юлдузларнинг тортиш кучи таъсирида булутнинг айрим қисмлари узилиб чиқиб, Қуёшга қараб йўл олади.

Қометанинг дастлаб пайдо бўлиши ҳақида иккинчи фаразни совет олими С. К. Всехсвятский ўртага ташлаган. Унинг фикрича, катта сайёралардаги вулқон отилиши ҳодисалари кометаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Комета Қуёшга яқинлашган пайтда қизийди, музлар парланади ва Қуёшнинг ёруғлик босими сабабли унга тескари йўналишда «дум» пайдо бўлади. Комета Қуёшни айланиб ўтгандан сўнг совийди, илгари парланиб, ажралиб чиққан газлар яна муз ҳолига келади.

Кометаларнинг орбиталари, асосан, эллипс шаклига эга бўлса-да, уни фақат Қуёшга яқин атрофда кузатилганлиги сабабли ҳисоблаш чоғида параболик шакл қабул қилинади. Когоутек кометасининг орбитаси ҳам дастлаб парабола деб қабул қилинган. Комета орбита бўйича ҳаракат қилади. 1973 йилнинг 28 декабрида Қуёш марказидан комета орасидаги энг қисқа масофа тахминан 22 миллион километрни ташкил этди, яъни Меркурийга қараганда Қуёшга икки ярим баравар яқин келди. Ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, бундай яқиндан ўтувчи комета ҳарорати 400-500 даражада бўлиб, уни ташкил этувчи ва муз ҳолида бўлган ис гази, карбонат ангидриди, циан, азот ва бошқалар парланиб кетади. Қуёш нурланишининг босими сабабли бу газлар Қуёшга тескари томонга қараб ҳаракатланади. Натижада у Ердан кузатувчига ғоят катта «думли юлдуз бўлиб кўринади.

1910 йилда кўринган Галлей кометасининг «думи 110 миллион километрни ташкил этиб, Ер унинг ичидан бир неча соат давомида ўтиб кетган. 1943 йилги катта кометанинг «думи 320 миллион километр бўлиб, у Қуёшдан Ергача бўлган масофага нисбатан қариб икки ярим баравар ортиқдир. Когоутек кометаси ҳам худди шундай бўлиши керак эди. Аммо бу кутилгандай бўлиб чиқмади. Нега? Ҳозирча бу саволга бирор аниқ жавоб айтиш қийин.

Ҳозирги маълумотлар кометанинг олдиндан ҳисобланган орбита бўйлаб ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади. Аммо кометанинг равшанланиши кутилгандан бошқача бўлиб чиқди. 1973 йилнинг октябрь-декабрь ойларида комета эрталаб ҳира, кўзга аранг кўринаётган (Қуёшга яқинлашаётган) эди. Яна у ёришса керак, деган умид бор эди. Бироқ, шу йилнинг 2 январидан бошлаб кенқурун комета ғарбда ўша-ўша хираликда, дурбин орқали бир оз ёруғроқ бўлиб кўрина бошлади. «Думли деярли йўқ. Телескопда кичик ловиядек аранг кўринди. Эндиликда у янада хиралашиб боряпти. Астронавтларнинг хабарига кўра, комета Қуёшга ва унга тескари томонга қараб йўналган. Ундан иккита кичик «дум» ажралиб чиққан. Бундай ҳодиса илгари Аренд-Ролланд кометасида кузатилган эди. 5 январга келиб Когоутек кометасининг «думи»и фазодан ҳам кўринмай қолди.

Назарий мулоҳазаларга кўра, Когоутек кометасининг асосий массаси юқори ҳароратда эрийдиган моддалардан ташкил топган. Оз миқдордаги муз парлари Қуёшга тескари томонга қараб «дум» ҳосил қилган. Оғир элементлар эса Қуёшнинг тортиш кучи таъсирида Қуёш томонга йўналган «дум» ҳосил қилган. Комета Қуёшдан узоқлашгач, яна ўз «думларини «йиғиштириб» олган.

Кометаларни кузатиш — катта илмий аҳамиятга эга. Олинган маълумотлар асосида Қуёш системаси, умуман, коинотдаги жисмларнинг ўзаро боғлиқлиги, кометаларнинг пайдо бўлиш масаласи ёритилади. Когоутек кометасини текшириш ҳам шу муаммоларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

Шу кунларда институтимиз олимлари Когоутек кометасини мунтазам кузатиш ишини давом эттирмоқдалар. Кометани дурбин ёки телескоп ёрдамида кенқурун Қуёш ботгандан сўнг осмоннинг ғарб томонида, уфқдан тахминан 30 градус баландликда кўриш мумкин.

А. РАҲИМОВ,
Узбекистон ССР Фанлар академияси Астрономия илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, физика-математика фанлари кандидати.

Суратда: (чапдан) Узбекистон ССР Фанлар академиясининг астрономия илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, физика-математика фанлари кандидати А. Раҳимов ва стажёр М. Мўминовлар телескопни кометани кузатишга тайёрламоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

КЕРМАТОҒ КАКЛИКЛАРИ

Керматоғ тизмалари Помир-Олой тоғларидан бошланиб, Ленинобод, Фарғона водийсидан ўтади. Агар тоғ яқинидаги қишлоқларда каклик хусусида гап кетгудек бўлса, Керматоғнинг каклигини мақташади. Бу эҳтимол у ердаги какликларнинг хушовозлиги, сергўштлиги туфайлидир.

Какликлар товуқсимонлар оиласининг бедана, қирғовул сингари вакилларидан ҳисобланади. Ўзининг таниқ гўшти, чиройли пати, сайрагани учун одамлар уни ов қиладилар.

Какликларнинг ҳаёти, жўжаларини парвариш қилиши товуқларникига ўхшаб кетади. Эрта баҳорда жуфт-жуфт бўлиб юрган какликлар ўз тўдаларидан ажралиб, уя солишга киришади. Мода каклик 7-14 тухум қўйиб, жўжа очиб чиқади. Жўжаларни боқишда ҳар икки каклик тенг ҳаракат қилиб, уни товуқлардек эргаштириб юришади. Бирор хавф туғилса, мода ёки нар каклик даҳшатли овоз чиқаради. Жўжалар ўзларини кўкатлар ва ўпларга остига яширади. Катта какликлар тош орасига яшириниб, қанотларини қалқон қилишади. Уларнинг туси тошга ўхшагани учун душманлари қўлчилик ҳолда кўрмай қолади.

Ҳозир қиш. Тоғ, дара, водийларни қор босган. Какликлар озуқа излаб қишлоқ ва аҳоли яшайдиган пунктларга боради. Ёзда жўжаларни ясраш учун одамлардан қочган бўлса, эндиликда ўз неслини сақлаб қолиш учун инсондан мадад тилайди.

Ўрмончилик хўжаликлари, овчилар ва табиатни муҳофаза қилиш жамиятларининг ходимлари, табиатни севган, уни эъзозлашни истаган киши бу ноёб жониворларни қишдан эсон-омон чиқишига ҳисса қўшса қандай яхши!

Ҳ. ҲАКИМОВ, табиатшунос.

ҲОДИСА

ЭПЧИЛ ЧЎПОН

«Узбекистон» колхозининг кекса чўпони С. Қорабоев отардаги қўй-қўзиларни кўздан кечириб юрарди. Кутилмаганда унга рўпарадаги томдан катта бўри ташланди, кейин иккинчиси. Эпчил ва жасур чўпон бўш келмади, оч йиртқичлар билан олишиб кетди. У бир ўқ билан йиртқичнинг бирини ер тишлатди. Иккинчисини эса милтиқ қўндоғи билан уриб ярадор қилди. Шу пайт бўри болалари ташланишди. Сартбой бу жажжи йиртқичларни тутиб олиб келди. Йиртқичларни енгган С. Қорабоевни колхоз правленияси иккита қўй билан мукофотлади.

Тўрақўрғон районидаги «Узбекистон» колхозининг чўпони С. Қорабоев шу билан бешинчи бор мукофотланиши.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

21 ЯНВАРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 16.45— МОСКВА. 16.50 — Янгиликлар. 17.00 — Ҳужжатли фильм. 17.45— ТОШКЕНТ. 17.50 — Телефильм. 18.05 — Ватан хизматига тайёрмиз. 18.25 — **Ленин Кремлда** (ҳужжатли фильм). 18.55 — «Ахборот». 19.10 — Оламда нима гап? 19.30 — **Партияни, Ленинни шарафлаймиз.** 20.10 — «Ахборот». 20.30 — **Тонг билан учрашув** (телеспектакль). 22.00 — Вақт. 22.30 — Партком ва социалистик мусобақа 22.50 — **Ленин ҳақида уч қўшиқ** (ҳужжатли фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 17.45 — МОСКВА. 18.45 — Концерт. 19.20 — Москва уйсозлик комбинатидан репортаж. 19.45 — **Ленин 1918 йилда** (бадиий фильм). 21.30 — Концерт. 22.00 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Музикали эстафета. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.45 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

22 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 18.20 — ТОШКЕНТ. 18.30 — Телевизион қўғирчоқ театри. 19.00 — Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Ёзувчи Рауф ГАЛИМОВ ижоди. 20.15 — Муз устида тошкентлик фигурачилар. 20.50 — Ленин ҳузурида. 21.00 — «Ахборот». 21.30 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Қурилиш ва муқобил план. 22.50 — **Учар йигит** (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Цирк программаси. 12.25 — **Уша январда** (бадиий фильм). 16.20 — МОСКВА. 17.10 — Ўқув кўрсатуви. 17.55— Телеочерк. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Буратино кўргазмаси. 19.15 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.45 — Бизнинг муқобил план. 20.55 — **Инженер** (фильм-спектакль). 22.00 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Фильм-спектаклнинг давоми. 23.25 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 20.10 — Социалистик мусобақа кенг қулоч ёйсин. 20.30 — СССР халқлари куйлари. 20.10 — **Азаматларимиз сири** (бадиий фильм).

23 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.40 — Қўғирчоқ фильм. 18.50 — Оталаримиз изидан. 19.10 — Миллионлар ленинча университети. 19.25 — «Ахборот». 19.40 — Тошкент трактор заводининг икки куни. 20.00 — Ўн минут музика. 20.10 — «Ахборот». 20.30 — Тележурнал. 21.00 — Концерт. 22.00 «Вақт». 22.30 — **Хоккей:** «СПАРТАК» — «ДИНАМО» (М). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 16.15 — МОСКВА. 16.50 — Онамларнинг мактаби. 17.25 — Янгиликлар. 17.35 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.35 — Фан оламида. 19.05 — Адабий суҳбатлар. 19.50 — Телефильм. 20.15 — **Рязанлик аёллар** (бадиий фильм). 22.00 — ТОШКЕНТ. Ёшлар ижоди. 22.20 — Телефильм. 22.30 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.30 — Санъат турлари. 20.10— Концерт. 20.40 — Чорвадорларнинг янги марралари. 21.10 — врач маслаҳати. 21.20 — **Тубанлика** (телеспектакль).

24 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — Қўғирчоқ фильм. 18.15— «Қизил галстук». 18.50 — Тошкент — Олмаота мусобақаси. 19.20 — Миллионлар ленинча университети (МОСКВА). 19.50 — «Ахборот». 20.05 — Ўн минут музика. 20.15 — ВАЗ автомаркази. 20.45 — «Ахборот». 21.05 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — **Хоккей:** «КРИЛЬЯ СОВЕТОВ» — ЦСКА. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 16.05 — МОСКВА. 16.10 — Янгиликлар. 16.20 — Эфирда — «Молодость». 17.35 — Қишлоқдаги учрашувлар. 18.05 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.40 — **Хоккей:** «СПАРТАК» — «ДИНАМО». 19.20 — Зейнаб Люманова куйлайди. 19.50 — **Телеминнатўралар.** 20.40 — Концерт. 22.00 — ТОШКЕНТ. 22.20 — Физкультура ва спорт. 22.50 — Кино кузгуда ҳаёт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телеспектакль. 20.35 — Эстрада концерти. 21.15 — **Элчилар фитнаси** (бадиий фильм).

25 ЯНВАРЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.15 — Мультфильм. 18.20 — **«Мардлик — мангулик».** 19.00 — Тошкент трактор заводининг икки куни. 19.20 — **«Ахборот».** 19.35 — Ота-оналар университети. 20.10 — Ўн минут музика. 20.20 — «Ахборот». 20.40 — **«ОЛТИН ВОДИЙ».** 22.00 — «Вақт». 22.30 — Узбекистон Компартияси тарихидан очерклар. 22.50 — «БУСТОН». ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. 12.10 — **Ўғил болалар** (бадиий фильм). 16.35 — МОСКВА. 17.40 — Янгиликлар. 17.50 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.35 — Ҳужжатли фильм. 18.50—**Хоккей:** «КРИЛЬЯ СОВЕТОВ» — ЦСКА. 19.30 — «Жасорат». 20.00 — Концерт. 20.45— Ёзувчи Сергей Михалков меҳмонимиз. 22.00 — Комсомолнинг плани (ТОШКЕНТ). 22.30 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 Тошкент янгиликлари 19.15 —Илмий-оммабоп фильм. 19.35 —**Она шаҳрим Тошкентим** (тележурнал). 20.05 — Классик музика саҳифаларида. 20.45 — Бадиий фильм.

26 ЯНВАРЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.50 — ТОШКЕНТ. 9.55 — Янгиликлар. 10.05 — Қўғирчоқ фильм. 10.20 — **Экран хандаси.** 11.00 — МОСКВА. 16.35 — ТОШКЕНТ. 16.40 — Мультфильм. 16.50 — **«Бойчечак».** 17.20 — «Ахборот». 17.35 — Ҳусайин Шамснинг адабий портрети. 18.55 — **Оламга саёҳат.** 20.00 — «Бахтимиз учун курашганлар». **Акмал ИКРОМОВ.** 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — «Ахборот». 21.00 — Назм ва наво. 22.00 — «Вақт». 22.30 — **Диққат, старт!** (спорт фестивали). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 16.35 — МОСКВА. Эстрада концерти. 17.15 — Ҳужжатли фильм. 17.35 — Куба шоирларининг шеърлари. 18.00 — **Ҳайвонот оламида.** 19.00 — «Здоровье». 19.30. — Муз устида балет. 20.30 — Мультфильмлар. 21.30 — **Телеминнатўралар.** 22.00 —Қардош республикалар иттифоқи (ТОШКЕНТ). 22.30 — Артлото. 23.30 — Дўстлар меҳри. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

27 ЯНВАРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.15 — ТОШКЕНТ. 9.20 — Янгиликлар. 9.30 — «СВЕТОФОР». 10.30 — Ўйлаб топ? 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — «Будильник». 11.40 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.40 — Ҳужжатли фильм. 13.05 — Музикали киоска. 13.35 — Қишлоқ янгиликлари. 14.50 — Телефильм. 16.00 — Халқаро панорама. 16.30 — ТОШКЕНТ. 16.35 — Болалар учун кинопрограмма. 17.30 —Концерт. 18.05 — «Ахборот». 18.20— Телеочерк. 18.50 — **Экран хандаси.** 19.30 — **Хоккей:** «ХИМИК» — ЦСКА (Москва). 20.15 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 20.35 — Ўн минут музика. 20.45 — **«Ахборот».** 21.05 — **Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.** 22.00 — «Вақт». 22.30 — Дала ишлари кундалиги. 22.45 — **Оқ шоҳнинг юриши** (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 16.30 — МОСКВА. 18.00 — Музикали программа. 18.30 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 19.30 — ТОШКЕНТ. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.15 — МОСКВА. 20.30 — **Ижорск батальони** (бадиий фильм). 22.00 — Бир оила бюджети. 22.30 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.30 — Фрунзе кўрсатувлари.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/I да **Дон Карлос** (кечқурун), 20/I да **Улик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак** (кундузи), **Чио-Чио-Сан** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/I да **Ёшимдан тушгача** (кечқурун), 20/I да **Йўқолган узук** (кундузи), **Самандар** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/I да **Хонума хоним** (кечқурун), 20/I да **Ҳижрон** (кундуз ва кечқурун).

КИНО

Севги анатомияси — «УЗБЕКИСТОН», «ЧАЙКА» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА», «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК», САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Тилла зирак — Г. ГУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Уч юз спартанлик — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Самовий саргузаштлар —«МИР» (кундуз ва кечқурун).

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти коллективи институтнинг катта илмий ходими, филология фанлари доктори,

Жуманиёз ҚОБУЛНИЁЗОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор этади.

Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти коллективи немис тили факультетининг катта ўқитувчиси Ш. Жамолова отаси

Обид ИСМОИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 03160. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. № 16.